



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 11-iyul • №28 (4271)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

АМЕРИКА ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА “КАШФ ЭТИЛГАН”МИ?

Қадимий қўлёзмаларда айтилишича, Ипак йўли ёқасида жойлашган мамлакатнинг қомусий олими дунёда номаълум қитъалар мавжудлигини англаб етган.

АҚШда чоп этиладиган оммабоп, академик нашрлардан бири — «Science» («Фан») журнаlining шу йил 20 июн сониди Ричард Стоуннинг Абу Райхон Беруний илмий асарлари ҳақидаги мақоласи босилиб чиқди. 130 минг обуначига эга ва интернет орқали 1 миллионгача ўқувчи фойдаланадиган мазкур нашрда ҳозирги замон олимларининг улуғ алломанинг Европа ва Осиё қаторида бошқа бир қитъа мавжудлиги тўғрисидаги башоратига муносабатлари хусусида муфассал ҳикоя қилинади. Қуйида ушбу мақола этиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ҳали Уйғониш даври бошланмасдан анча олдин Ренессанс кишиси бўлган бу олим кўп асрлар илгари Марказий Осиёда таваллуд топган Абу Райхон Беруний эди. У Ер айланасининг узунлигини ҳайратланарли тарзда аниқ ҳисоблаб чиққан, солиштирма оғирлик ҳамда модданинг сувга нисбатан зичлиги катталиклари кашф этган. Вақтнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ, деб ҳисоблайдиган креационизм таълимотини рад этган ва Коперникдан беш аср аввал Күёш системасининг маркази Күёш бўлиши мумкинлигини исботлаган. Машҳур аллома ўз кашфиётлари қаторига Американинг мавжудлиги ҳақидаги башоратни ҳам киритган.

Америка қитъасининг кашф этилиши борасида жуда кўп қарама-қарши, баҳсли фикрлар бор. Масалан, уни Бернинг денгизи ёки Тинч океанини кесиб ўтган қадимий халқлар, тахминан мингинчи йилда Ньюфаундленд қирғоқларига етиб борган норвегиялик денгизчилар, ё бўлмаса, XV аср тадқиқотчилари Христофор Колумб ва Жон Кабот топган, деган фаразлар мавжуд.

«Ўз ҳаётида ҳеч қачон океани кўрмаган бўлса-да, Беруний ҳам «кашфиётчи тожи»га муносиб, — деб қайд этди Вашингтондаги Ж.Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр, бундан бир ой аввал Самарқандда бўлиб ўтган Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига бағишланган халқаро конференцияда. — Унинг асбоблари елканли ёғоч қайиқ ва бакувват, моҳир эшакчилардан иборат бўлган эмас, балки теран қузатувлар, йиғилган илмий маълумотлар ва қатъий мантиқ асосида у айна шундай хулосага келган».

Шунга қарамай, айрим экспертлар бу борада ҳамон шубҳа билдиришмоқда. «Ҳозирги пайтда ўрта аср олимларининг асарларидаги замонавий кашфиётлар тўғрисида жуда кўп янгиликларни ўқиш тенденцияга айланиб қолди», — дейди Нидерландиядаги Утрехт университетининг Беруний мероси бўйича мутахассиси Ян Хогендийк. «Биз ахир Ерининг Күёш атрофида айланганини Коперник «очган» деб, фақат унинг фаразларига асосланган ҳолда фикр юритмаймиз-ку, — деб унга қўйилади Токиодаги Васёда университетининг тарихчи олими Натан Сидоли. — Шу боис, тушунайман, нима учун энди Америка қитъасини Беруний «очган», дейишимиз керак?»

Лекин бошқа бир қатор олим ва мутахассислар Марказий осийёлик ўрта аср олими ўз назарияси туфайли алоҳида эътиборга ва ҳурматга сазовор, деб ҳисоблайди. Масалан, Утрехт университетининг астрономия тарихи бўйича мутахассиси Роберт ван Гентнинг фикрича: «Агар Берунийнинг китобларида баён этилган муҳим илмий гоғлар тўғри талқин қилинган бўлса, демак, уни Америка «кашфиётчилари» рўйхатидан чиқариш учун ҳеч қандай сабаб йўқ».

Абу Райхон Беруний етти аср, яъни 800 йилдан 1500 йилгача давом этган «Шарқ Ренессанси» жараёнининг сарчашмасида турган Марказий Осиё олимларининг ёрқин намоёндаларидан биридир.

Ўша давр алломалари юксак ақл-идрок соҳиблари бўлиб, илмий кашфиётлари алгебра ва геометриянинг асосий принциплари, алгоритм ва астрология, замонавий медицинанинг асослари каби соҳаларни қамраб олган. «Улар ноёб иқтидорли буюк шахслар бўлган», — дейди Ф.Старр. Айна вақтда америкалик олим бу мислсиз кашфиётларга Фарбда етарлича эътибор берилмаганини ҳам қайд этиб ўтади.

Хитой, Хиндистон, Яқин Шарқ ва Европа маданиятлари туташган чорраҳада яшаган Марказий Осиё халқлари савдо-сотиқ ишлари мукамал эгаллашган, шу боис уларнинг аниқ фанлари чуқур билгани ҳайратланарли ҳол эмас эди. «Самарқандда болалар саккиз ёшданок математикани ўргана бошлаганига хитойликлар ҳайрон қолишган», — деб таъкидлайди Ф.Старр.

Абу Райхон Берунийни бемалол Марказий Осиёнинг энг ёрқин «юлдуз»ларидан бири, деб аташ мумкин. «У чиндан ҳам қомусий даҳо эди, нафақат аниқ фанлар ва антропология, балки фармакология ва фалсафани ҳам мукамал

эгаллаганди, — дейди Бельгиядаги Левен католик университетининг ўрта асрлар Марказий Осиёси бўйича мутахассиси Жюль Янссенс. — Беруний камида 150 та илмий асар муаллифи бўлиб, улардан атиги 31 таси бизгача етиб келган, улар ҳам фақат алоҳида олимларнинг кичик доирасидан ташқарида деярли маълум эмас».

Абу Райхон Беруний 973 йилда Орол денгизи яқинида, ҳозирги Хива (Ўзбекистон) ҳудудида туғилган. У 16 ёшидаёқ кўшининг чошгоҳ пайтидаги баландлигидан ўз шахрининг кенглигини аниқлаш учун фойдаланган. Вояга етгач, кўп саёхат қилган. Ҳозирги Исломобод атрофидаги қалъа устига Ер айланасини астрология, сферик тригонометрия ва синуслар қонуни ёрдамида ўлчашга мўлжалланган асбобни ўрнатган (қадимги греклар сингари, Беруний ҳам Ерининг думалоқ шаклда эканлигини билган). Бу борада аллома томонидан амалга оширилган ўлчовлардаги хатолик ҳозирги кунда маълум бўлган рақамларга нисбатан бор-йўғи 16,8 километрга фарқ қилган, холос. Ф.Старр бу ҳақда тўхталиб: «Билмадим, шунчалик кўп билимини у қаердан олган. Ҳақиқатан ҳам, бу зот ноёб ақл-заковат соҳиби эди», дея ўз ҳайратини изҳор этади.

«Беруний 1037 йили ёзилган «Масъуд қонуни» асарида ишончли фактларни ўйдирмалардан ажратиш мақсадида, «дадил гипотеза»дан фойдаланиб, классик грек, ҳинд ва ислом астрономиясини таҳлил қилди, — дейди Ф.Старр. — Бошқа бир илмий тадқиқотида эса солиштирма оғирлик тушунчасини киритди, уни кўпгина минераллар ҳамда металлларга тадбиқ этди ва бунда нуқтадан кейинги учта рақамгача аниқликда ўлчовларни амалга оширишга эришди. Европалықлар эса бунини XVIII асргача аниқ ҳисоблаб чиқа олмаганлар».

Юқорида айтилган барча фикрларнинг энг шов-шувлиси, бу — Абу Райхон Беруний томонидан Американинг «кашф этилиши»дир. У қиблани, яъни намоз вақтида Макканинг жойлашган ўрнини аниқ белгилаш мақсадида ўз қадами етган ҳар бир жойнинг координатларини синчковлик билан ёзиб борган, шунингдек, бошқа манбалардан Евросийёнинг минглаб аҳоли яшайдиган жойлари ҳақидаги маълумотларни тўплаган. Беруний бутун дунёга машҳур бўлган 5 метрли глобусини яратгач, у Ер шарининг 3/5 қисми ҳали ҳисобга олинмаганини аниқлаган.

«Бундай катта тафовутни шу билан изоҳлаш мумкинки, барча қадимий географлар Евросийё дунё океани билан ўралган, деб ҳисоблашган», — деб ёзади Ф.Старр ўзининг ўтган йили октябрда нашр этилган «Йўқотилган маърифат: Марказий Осиёнинг араб истилосидан Темургача бўлган олтин асри» номли китобида. — Беруний эса ушбу фарзани рад этди. XX асрнинг 50-йилларида хиндистонлик Саййид Ҳасан Бариллий ўрта аср олимнинг ёндашуви (унга бир неча ўн йиллар давомида илмий ёнас топишмаган эди) тўғри эканлигини тасдиқлади. Абу Райхон Беруний: қуруқлиқни сайёрамизнинг 2/5 қисмига кўтарган қучлар Ерининг бошқа қисмида жамланган бўлиши керак, деган фикрни илгари сурган. У Европа ва Осиё орасида бир ёки бир неча қуруқлик ҳудудлари жойлашган бўлиши керак, деган хулосага келади ва шундай ёзади: «Аҳоли яшамайдиган ерлар ҳам мавжудлигини инкор қиладиган ҳеч қандай йўқ».

Ф.Старр ўзининг 2013 йил декабрида чоп этилган «Бугунги тарих» мақоласида «Берунийнинг иш услублари айнаб бугунги кун услубларига нисбатан ўқшашлиги билан кишини ҳайратга солади, уларни илмий тадқиқотнинг бидъатпараст ва хурофий ўрта аср дунёси қаъридан эшитилган сокин, эхтирослардан холи овозига қийслаш мумкин».

«Марказий Осиёдаги Шарқ Ренессанси илм-фан қувғинга учраган даврга келиб тугади, — дейди Ф.Старр. — Асрлар давомида Беруний ва ўша даврнинг бошқа буюк олимлари, худди Америка каби, ўзларининг янгитдан «кашф этилишини» қутардилар».

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 5 июл сонидан олинди.



Ўзбекистон халқ rassomi Алишер Мирзо. «Мўл-қўллик».

МАЪНОЛАР НАЗОКАТИ

Адабий ўзбек тили мавқеи, нуфузини араб ва форс тиллари даражасига кўтаришдек ўта масъулиятли, айна чоғда шарафли вазифани қўйилмақом қилиб уйдалаган Алишер Навоий ҳазратларининг назмий ва насрий асарларида қўлланган йигирма олти мингдан зиёд сўз бойлигининг ўзагини асл туркийча лексик бирликлар ташкил этади.

Алишер Навоий адабий ўзбек тилининг товуш тизими, сўз бойлиги, грамматик қурилишининг ранг-баранглиги, мураккаблиги ва ўзига хослиги жиҳатидан тараққий топган тиллар, чунончи, араб, форс тилларидан асло қолишмаслиги, баъзи хусусиятлари билан эса улардан бойроқ эканлигини рад этиб бўлмас ашёвий далиллар ёрдамида исботлаб берди. Улуғ шоир эски ўзбек адабий тили лугат таркибидаги сўзларнинг маъно но-зикликлари, уларнинг исталган ту-шунчани ифодалаш қобилиятига эга эканлигини «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида феъл туркумига оид юзта

калима мисолида аниқ ва равшан кўрсатиб берган. Олим бу юзта феълнинг ҳар бири ўз маънодоши (синоними)га эга эканлигини эътироф этади. Хусусан, йиғламоқ феъл-лига алоҳида диққатни қаратиб, унинг

Навоийни ўрганиш

йиғламсинмоқ, инграмак, синграмак, сиктамоқ, инчикрмак, хой-хўй йиғламоқ сингари маънодошлари эски ўзбек тилида фаол қўлланганлигини таъкидлайди.

Шаклдош сўзларнинг эски ўзбек тили жаҳоирлар ҳазинасида ўта қўп-лиги фақат шу тилга хос туяқ жанрининг воқеланишида асос манба вазифасини ўтаганлигини шоир ўз вақтида гурур билан қайд этди ҳамда ушбу жанрда бетақорр намуналар яратди.

Масалан:
Чун парю хурдур отинг бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг бегим.

Ҳар ҳадангеким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.

Алишер Навоий қўллаган туркий қатлам турли мавзуй гуруҳларга сид сўз ва истилоҳлардан иборат бўлиб, улар инсоннинг ички ва ташқи аъзолари, қариндош-уруғчилик, маиший, қорвачилик, қурол-аслаҳа, асбоб-анжом, кийим-кечак, озиқ-овқат, овчилик, ҳарбий-маъмурий бошқарув, касб-хунар сингари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли сўнғак, қабурға, оға, ини, эгачи, сингил, тағойи, қилчоқчи (мода кийик), сўна (нор ўрдак), бўрчин (мода ўрдак), той, гўнан, дўнан, тўқум, тўқа, жиба (совут), кежим (жанговар от ёпинчиги), умач, талгон, қимиз, сузма ва ҳоким дурдоналар мажмуини шакллантирган. Бу каби сўзларнинг муайян қисминин қариндош бўлмаган тиллар вақиллари ўз лугат ҳазинасига қиритиб, кундалик турмушида истифода этган.

Ҳамидулла ДАДАБОВЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ШУНДАЙ ЧИҚИШЛАРГА ЧАНҚОҚМИЗ

Севимли газетамизнинг ўтган сониди («ЎЗАС», 2014 йил, 27 июн) таниқли адабиётшунос олим Сувон Мелининг «Истиқлол фалсафаси ёхуд маънавият мамлақати» мақоласини ўқиб, бир йилча аввал ўзим гувоҳ бўлган воқеани эсладим. Ўтган йили 8-12 июл кунлари Москва шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг биринчи халқаро жамоат дипломатияси ёзги мактаби ташкил этилган эди. Ушбу ташкилотта аъзо, қузатувчи ва ҳамкор давлатлардан ташриф буюрган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг етакчилари учун уюштирилган ёзги мактабда мен ҳам «Шарқ аёли» халқаро жамоат фонди йўлланмаси билан иштирок этгандим. Бизга маъруза ўқиган тарихчи ва сиёсатчи олимлар Ўзбекистон ҳақида, унинг Президенти ҳақида ҳавас билан, айнақ-са, таълим-тарбия тизими, ёшлар маънавиятига қаратилган жиддий эътиборни алоҳида таъкидлаб гапиришди... Шуларни эслар эканман, С.Мели мақоласи якунидаги ушбу сўзлар айна ҳақиқат эканлига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Мана ўша сўзлар: «Биронта мамлакат пешвоси ўз халқи маънавияти, умуман, маънавият ҳақида бизнинг Президентчилик гапирмаган, ёзмаган. Маънавиятни давлат сиёсати даражасига кўтармаган. Бу жаҳон сиёсати ва жаҳон тарихида янги тушунча ва умуминсоний нажоткор ҳикмат эканлиги шак-шубҳасиздир».

Биз ёшлар бундай ҳақиқатни билиб қўйишимиз, онгу тафак-

куримизга сингдиришимиз, шундай мамлакатда яшаётганимиздан фахр туйишимиз лозим. Шу пайтгача «Дунёни гўзаллик қутқарили», деган гапни кўп эшитган эсам-да, мақолада «гўзаллик» сўзи «маънавият» билан қиёслангани ва натижада «Дунёни маънавият қутқарили», деган янги ҳикматнинг пайдо бўлгани менда ҳайрат уйғотди. Гўзаллик ва маънавиятнинг яқин қондош-лиги (мақолада ёзилганидек, «Гўзаллик маънавиятдир, маънавият эса гўзалликдир») ҳақидаги фикр менга оҳори тўқилмаган мулоҳаза бўлиб туюлди.

Яна бир гап. Мақолада бизнинг сиёсатшуносликда кам учрайдиган бир хусусиятни қузатдим. Муаллиф Юртбошимиз фикрларининг қат-қатига киришга, тезис тарзда ўртага ташланган мулоҳазаларнинг маъно-маъини очишга интилади, аксар ўринларда бунга эришгани ҳам. Зеро, нафақат баллий сўз, балки ижтимоий-сиёсий сўз ҳам турли-туман маъно товланишларини намоён этаркан. Муҳтарам Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — ентилмас куч» асарининг залворли ва теран маъно қатламларини очиш мазкур мақоланинг мақсад-моҳиятини ташкил қилган. Биз ёшлар шундай чиқишларга ҳамипша чанқоқмиз.

Мирзохид ХИДИРОВ,
«Шарқ аёли» халқаро жамоат
фонди етакчи мутахассиси

— Бошланг, — дейман овоз ёзгичнинг тугмасини босарканман Бахтиёрга қараб.

— Нердан бошлай, ёшулли? — дейди у Рўзимбойга юзланиб.

— Бошланг-да ахир, нердан бўлса-да, бошланг, — жавоб беради Рўзимбой, — қолганини Ёқубжон оғанинг ўзи улаб кета беради, сиз ҳеч қисинманг...

— Майли, сиз айтганча бўлсин. Аслида мен Ҳазораспдан бошламочки эдим. Аммо ҳозир бошқа нарса ҳақида — мусика, қўшиқ нафақат менинг, умуман Хоразм диёрининг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга экани ҳақида айтмоқчиман. Куй, қўшиқ бизнинг одамларимиз руҳига қадимдан сингиб кетган. Шундай бир ривоятни эшитганман бор: айтишларича, ал-Хоразмий Бағдодда келгач, шаҳарнинг танikli олиму фузалолари уни имтиҳонга тортишибди.

— Тиббиётда даволашнинг уч тури бордур. Сизга уларнинг қайси бири хуш келади? — деб сўраганларида аллома шундай жавоб қилган экан:

— Бизда даволашнинг уч эмас, тўрт тури бордур:

Бир сўз, дору бири, кескир пичоқдур биттаси, Даги Хива мулкида машҳур эрур сизнинг саси.

Менга ана шу тўртинчиси, яъниким соз билан даволаш усули кўпрак ёқади, — деб жавоб берган экан.

Бахтиёр "Яна давом этаверайми?" дегандек Рўзимбой Ҳасанга қараб қўйди. Аммо Рўзимбой ўз ҳаёллари билан банд эди, унинг қарага-

дан ҳозиргина ўзи айтиб берган сатрлар ўтди, гўё: "Дерлар, одам боши қаттиқдир тошдан..."

Ҳа, бошининг тошдан бўлгани яхши. Аммо юрак тош бўлмасин...

"Аму полвон соҳили" кўп тармоқли фермер хўжалигининг раҳбари Бахтиёр Шерматовнинг ҳаёти ростдан ҳам ажойиб воқеалар, хуш наҳзаларга тўла. Халқнинг бир йигитга қирқ хунар оз, деган нақли худди Бахтиёр Шерматов учун айтилгандай: санъаткор, спортчи, механизатор, чилангар. Энг асосийси, миришкор деҳқон. Қобил фарзандларнинг отаси. Қайси жойда бир иш бошласа, қайси бир даврада гурунг берса бировнинг ҳаёлига кирмаган янги иш қилади, бировнинг дилига келмаган янги бир гапни айтади. Фермер хўжалиги ихтиёридаги асосий

Эл обод — дил обод

ерларни ҳам қумдан "тортиб" олиб деҳқончиликка бўйсиндирган эди...

— Аслида у ерларда ҳам бир пайтлар деҳқончилик қилинган. Лекин кейинчалик колхоз-совхозлар тугатилиши пайтида қаровсиз қолиб кетган эди, — дейди Б. Шерматов. — Бунинг устига, биласиз, бизнинг энг катта муаммомиз сув. "Аму полвон соҳили"ни дастлаб ана шу ўзингиз айтмоқчи қумдан "тортиб" олиб деҳқончилик қилдик. Пахта, ғалла етиштирдик. Ёмон бўлмадик. Ерларимизни ҳозирги жойларга қўшиб кенгайттирдик. Бир-икки йил бўлди узокдаги ерларимизни биздан ҳам илғорроқ бўлган

чўккан тузни ўша ораликда пайдо бўлган муз юқорига чиқармай ушлаб туради. Шунинг учун ҳам деҳқонлар яхобга кўп эътибор беришади. Сувни текис яйратиш керак. Отизлар маҳкам бўлиши талаб этилади.

Бахтиёрнинг сўзларини эшитиб ўйлайман: ота-буваси кўпни кўрган, тажрибали деҳқон шунақа оқил бўлармикан? Унинг айтган сўзлари Хоразмнинг асов об-ҳавоси кўз очирмас шамол билан келадиган Орол денгизининг қум-тузларини бартараф этишдаги халқнинг ўндан бир чораси, холос. Бир тул гўлни ўстириш қанчалик душвор бўлган бу табиат қўйнида тонна-лаб пахта, ғалла ўстираётган деҳқонларга офаринлар айтмасдан илож йўқ. Шунча гапдан кейин Бахтиёрдан сўрайман:

— Ширин гумбақлар ҳақида эшитганмисиз? — Эшитганман, — дейди ўйлибди Бахтиёр. — Сиз айтган бу ҳодиса ҳамма мевали дарахтда ёки полиз экинларида ҳам пайдо бўлавермайди. Бунинг учун дарахт бақувват, яхши парваришланган, тағига қўллаб эски тулрок, темир-терсак ташланганда дарахт илдизиди тузга қарши ўшандай "ширин гумбақлар" пайдо бўлади. Бундай гумбақлар сараланган уруғдан етиштирилган полиз экинларида ҳам бўлади. Дарахт парвариш қилинмаса, экиннинг уруғи сара бўлмаса уларнинг илдизиди гумбақлар пайдо бўлмайди.

Ўқувчига тушунарли бўлиши учун "ширин гумбақлар" ҳақида батафсилроқ тўхталишга тўғри келади. Айтишларича, табиатнинг ўзи ҳам тулрок таркибидидаги шўрга қарши курашишда деҳқонлардан кам ҳаракат қилмас экан. Айтийлик,

Диққат, танлов!

"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаёт-бахш манбан — мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азий» аънавий танловига таклиф этади.

Танловга «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу гоияи ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азий» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
— кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;

— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2013 йилнинг 1 августидан 2014 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намоиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йил 5 августгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азий» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

МЕН СЕВГАН ГАЗЕТА

Шу кунларда "Ўзбекистон адабиёт ва санъати" газетасини катта қизиқиш билан мутлоа қилмоқдам. Аслида каминани унинг қарийб олти йиллик муҳлисман. Газетанинг илк сонларини ўтган асрнинг 50-йилларида ҳарбий хизматда эканимда адабиёт муаллими бўлган раҳматли Фароғат олам хат орқали юбориб турарди. Яқинда ўша кунларни эсладим. Негаки, газетада босилаётган яхши шеър ва хикоялар, юртимизда кечаётган жараёнлардан шукроналик, кўнгилдаги гапларни нафақат қўлдан қўймай ўқиш керак, айни чоғда газетани мунтазам олиб туришга имкони бўлмаган яқин биродарларимизга мактубларга жойлаб бўлса ҳам юборишда ҳикмат кўп. Бу худди севган кишига у яхши кўрган шоирнинг китобини совға қилишдай мароқли.

Тўғри, газетанинг ҳаёти ҳам одамларнинг ҳаёти каби гоҳ ўндай, гоҳ бундай бўлиб туриши табиий. Бозор иқтисодининг мураккаб даврларида унинг ўқишлилиги қамайган, таҳлилий мақолалар, адабиётимиз ва санъатимизда воқеа бўладиган асарлар ўрнига жўн ахборотлар кўпайган вақтлар ҳам бўлди. Бирок ҳақиқий муҳлис ўзи севган футбол жамоасини ҳаммиса бирдек севганидек, ҳақиқий муштарий ҳам ўзи суйган нашрни асло қўлдан қўймайди. Менга газетанинг кейинги бир неча сонлари адабиёт ҳафталиги ўзининг табиий ўзанига тўшгандек таассурот уйғотмоқда. Илоийм шундай бўлсин.

Газета юртимизда кечаётган бунёдкорлик жараёнларини ҳам яхши ёритиб бораётгани,

айниқса, маъқул бўлаётир. Шу сабабли яқиндан бошлаб газетани дўконлардан олиб эмас, уйимда обуна бўлиб ўқишга қарор қилдим. Фақат почта ходимлари вақтида етказиб туришса бўлган. Ҳозир газетанинг ҳар бир янги сонини интизорлик билан кутиб, мутлоа қилмоқдам. Менга улуг мутафаккирлар, жаҳон адабиёти намояндалари ҳаётига доир мақолалар кўпроқ манзур бўлганди. Уларнинг ижодларидан намуналар ўқишни ҳам жуда-жуда истайман.

Адабиёт ва санъатга иштиёқим баландлиги туфайли китобсевар бўлганман. Шахсий

Муштарийлардан мактублар

кутубхонамда 800 дан зиёд бебаҳо маънавий бойликларим бор. Адабиётга қизиқишимга мен истиқомат қиладиган Самарқанд шаҳрининг Миродилов кўчасига яқин худуддаги 10-мактабнинг адабиёт ўқитувчиси раҳматли Эркин Оқилов, бир кўчада яшаган қўшним — улкан олим Воҳид Абдуллаев, ҳурматли муаллима олам Фароғат Дўстмуродова каби жонқуяр инсонларнинг ибратлари, улар сочган маънавият зиялари сабаб бўлган, деб биламан.

Газетангиз жамоасига янги ижодий ютуқлар тилайман.

Талъат БОБОМУРДОВ,
мехнат фахрийси

Самарқанд шаҳри
Миродилов кўчаси, 101-уй.

БУЮК МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда ўтказилган «Урта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг бугунги цивилизациядаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция материаллари ва Президент Ислам Каримовнинг ушбу конференциядаги нутқини ўрганиш юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мухаммад Али очди ҳамда "Жаҳоний эътироф олган боболар" мавзусида

асри" эканлигини идрок этиш руҳида тарбиялаш Халқаро конференциядан кўзланган асосий мақсад эди.

Ийғиғида анжуман жаҳонга илм-маърифат нурини ёйган фойдасиз алломалар ҳеч қачон халқ хотирасидан ўчмаслиги ва юртимиз интелектуал жиҳатдан нақадақ бойлигини исботлади, — дея алоҳида таъкидлаб ўтилди. — Шунингдек, бу анжуман буюк аждоқлар қол-

Ёзувчилар уюшмасида

дирган бебаҳо меросни қадрлаш, улар билан фақат фахрланибгина қолмай, шу йўлни давом эттиришга ундайди. Мухтарам Президентимизнинг халқаро илмий анжуманда сўзлаган бетакорр нутқи ҳар бир зияли олдига ўз соҳасида юксак вазибалар қўяди. Масалан, ёзувчиларимиз тарихий мавзуларда бадий жиҳатдан юксак асарлар ёзиб, ўтган буюк инсонларнинг тўлақонли адабий образларини яратилиши даркор. Бугунги давра суҳбатидан мақсад — улуг боболаримиз ҳақида ёзилган бадий ётуқ романлар, бадий асарлар ҳақида фикр юритиш ҳамда адабиётимиз олдидаги долзарб вазибаларни белгилаб олишдан

иборат. Токи бу романлар кўпчилик ўқий оладиган бадий асарлар бўлсин. Айни шундай йўл билан, меросни теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган сазй-ҳаракатларга туртки бериш имконларига эришамиз. Айни шундай асарлар, "Ким эдигу ким бўлдиқ?" гоёсига лаббай деб жавоб берадиган, уни тарғиб этадиган асарлар бўлади, бунга ишончимиз қомил. Буюклар ҳақидаги бундай асарларни хорижий тилларга таржима қилиш, юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилиги эътиборига етказиш заруриятга айланади. Шунга таъкидлаш жоизки, яхши асарга ҳаммиса йўл очик, уни Ёзувчилар уюшмаси ҳам, нашриётлар ҳам доим қўллаб-қувватлайдилар.

Давра суҳбатидида шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси бадий кенгашилари ва адабиётшунос олимлар анжуман иши ва Президентимиз нутқидан келиб чиқадиган вазибалар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра суҳбатига оид батафсил маълумотлар газетамизнинг навбатдаги сонларида эълон қилинади.

Ахборот хизмати.

Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИЕВ

Хотира — умрнинг иккинчи номи. Ўтган, ўтаётган умрни, худди сен томондан маълум вақтда жингилгайдиган соат сингари эслатиб турувчи бир нарса экан. Фарқи, соатнинг қачон овоз беришини сен хал қилсанг, хотира қутилмаганда ҳаёлинг бостириб қираккан. Қачон, қаерда деган аламли саволлари билан қалбингга маҳзун қайфият, юзингга маъюслик елини силаб ўтаркан. Ҳаммаси бир вақтда қутилмаганда пайдо бўлади. Мана, ҳаёлим умуман бошқа ёқда, эртага бўладиган учрашув, ўғлимнинг хурсандчилиги, қизимнинг хуш қайфияти, бу воқеалар мен мавжуд бўлган умрнинг қоқ марказида жонланаётган бир вақтда, билмадим хотирамга бир нарсалар келиб кетди.

Болалигимда онамнинг сира ортдан қолмасдим. Қаёққа борса қўйлагининг этагидан тутиб кетаверардим. Қўшни аёллар:

— Уялмайсанми, сен тенгилар далада бугдой ўраятми, — деса онам менинг ёнимни олиб:

— Онасини яхши кўради-да, — деб пешонамдан ўпиб кўярди.

Бир сафар онам билан қўшни кишлоқдан келаётгандик, оёғим тегиб кетган тошми, кесакми учиб бориб йўл четидидаги тунукага бориб урилди ва тақ этган овоз эшитилди. Қўрқанимдан онамни маҳкам қучоқлаб олдим.

— Қўрқма болам, мен ёнингданман. Ахир, тошни ўзинг тепдиган-ку, нега қўрқасан. Агар билсанг, одам қилган ишидан

ҳеч қачон қўрқмаслиги керак.

Онамнинг қўлидан маҳкам ушлаб оларканман, вужудимга хотиржамлик иниб, қандайдир бир сеҳрли ором таъсирида қолгандай сездим ўзимни.

Ҳа, одам қилган ишидан қўрқмаслиги кераклигини орадан йиллар ўтиб билдим. Соддагина, бирор олий даргоҳда ўқимаган онамнинг ўша гапи ҳаётимнинг шиорига айланиб кетди. Одам қилган ишидан қўрқмаслиги — бу тўғри қадам босиб, чин инсонга хос умр

кечирishi дегани экан. Онам билиб-билмай менга одобнинг энг гўзал билими айтиб кетибди.

Рост гап, болалигимда жуда қўрқоқ эдим. Ховлимиз адоғидаги боғга ҳам боришга қўрқардим. Отам бирор иш буюрса, пайсалга солиб бирор шерик топилганга қаравардим. Менинг ҳолатимни сезган онам:

— Болам, сен қўрқма. Агар қўрқадиган бўлсанг мени ёдга ол. Сен учун дунёнинг нариги четидан бўлсам ҳам етиб келаман. Ботир бўлиб улгайгин, болам, — деб яна бағрига босарди. Мен худди ботирга айлانгандек (ҳаракатимдан сезган бўлса керак) — Ҳа, ўзимнинг ботир ўғлимдан, — дерди фахрланиб...

Лекин... мен қўрққан кунга онам етиб келолмади. Балки, мени ташлаб, ўзи

дунёнинг қайтиб бўлмас томонларига кетди.

Бу ҳаётда — сен кутмаган тасодифлар, қувончу қайгулар бўлади. Гоҳ қайгу, гоҳ қувонч бўлсин, елкамда онамнинг қўли борлигини сезаман, бу далда менга қанот бергудек, юрак бергудек ботирга айлантиради. Ҳар эр்தалаб қулоғимга онамнинг овози эшитилади:

— Болам, онам йўқ дема. Энди сенинг онанг барча аёллар. Энди сени онанг мана шу яшаб турган Она Ватанинг. Сен шуни она дегин, онажоним дегин, шунда барча қўркувларинг йўқолиб, худди ўша сеҳрли қучоқ сени бағрига босади.

Ҳа, онамнинг тириклиги давлат эди. Бу ҳаётда йўқлиги ҳам менга бир ҳикмат бўлди. Онажоним-а... Ватан муҳаббатини қалбимга экиб кетган илк устозим, кўнглим пешовси, умримга чирой бағишлаган мусаввирим. Сизни бағрига босиб ётган шу заминнинг пешоналаридан ўпсамми, бошимни хокига қўйиб тафовлар этсамми, дарахтларни худди бешик сингари тебратётган шамолларга қўшиб сизга санолар айтсаммикан... Онажон, мен билган, ўзингиз айтган гап рост экан:

— Онасини яхши кўрган одам — Ватанини севшига қодир. Зеро, Ватан онанинг, Она эса Ватанинг иккинчи номидир.

Насриддин ИСМОИЛОВ

Хол Муҳаммад ҲАСАН

ҚЎШИҒИМ — ЭЛНИКИ, ЭЛ — ДАВРОННИКИ



БАХШИЁНА

«Жолғиз жилага қумдики,
У нимадир кимдики?»
Чистон

Дўмбира — дилники, дил — забонники,
Куй-қўшиқ — омон-омон замонники.
Уч-тўрт оғиз терма териб айтгани,
Ўтириги чин, эртагу дostonники.
Чамбилбел қалъаси — қирқ чилтонники,
Юнус, Мисқол пари — ҳур, ғилмонники.
Қирқ йилгит, Соқибулбул, Сардор... қани
Битга Ғирот Гўрўғли султонники.
Ортқанинг норники, ног карвонники
«Танга — тоққаники, от — мингганики».
Қўпқарила Қўҳна Дунё бековул:
«Югурганикимас, буюрганики».
Чориқ — чўпонники, қўй — қўтонники,
Ғажина — хумники, хум — илонники.

Бойи баён, чори ночор меҳмондир,
Меҳмонхона эса, ҳу... Мезбонники.
Турфа рангдан иккиси инсонники:
Қора — дононики, оқ — нодонники.
Курту кумурсқадан қидир бошқасин
Қайси жондорники — қайси жонники...
Посра — деҳқонники, дон — хирмонники,
Дўлга тушгани — тош, тегирмонники.
Кутма ризқи насибандан ортигин,
Бари неъмат — Улуг Дастурхонники.
Сирли узук, асли Сулаймонники,
Бугун у — сеники, эрта — меники.
Кун келиб ғанинга кирмайди ҳеч ким,
Молу дунё омонат «беш кун»ники.
Дўмбира — куйники, куй — армонники,
Қўшиғим — элники, эл — давронники.
Элим — эл, тилим-тилим-ей ёронлар,
Тоққаним «Ёлгончи»да имконники...
Билганим — билдирганим чистонники:
«Неники — не, кимники, Ким — кимники...»

ГЎЗАЛСАН

Оғироеъ аёл, сен
дунёда энг гўзалсан.
Юлдузга тегар илқинг
илқис ойда узалсанг.
Хулқар — бўбак, Тарозу —
беланчака айланар,
Йўрғакбоғиш менгизалмиш
Сомон йўлга азалдан...

Оғироеъ аёл, сен
борсан, очун мунаввар.
Офтоб нурун тўқар мўл
замин узра муқаррар.

Орзу ўйларинг эзгу —
санаб энтиқар қўзгу,
Ойлар нақадар улкан,
Туңлар соқин нақадар.

Оғироеъ аёл, сен
муаттар гул-анбарсан.
Ўтсан, чўтгашир қўшсан,
гулханда самандарсан.
Сен борсан — кун тутилмас,
«Қиёмат қойим» бўлмас,
Оламини асрагучи
буюк куч — музаффарсан.

Сен парисан, гирдингла
Хурлар дурдай тизилган.
Тонглар отар жилмайсанг,
Эсар сабо сузилсанг...
Куйсан, қўшиқ созда сен,
Ҳамиша эъзозда сен,
Малҳ этишга арзийсан
Шоҳбайтлик бир ғазалсан.

Оғироеъ аёл, сен
гўзалсан, чин гўзалсан.

ТОПАЖАКСАН

Ўзингни топажаксан, қўзингга қараб юрсанг,
Ўзингни топажаксан, сўзингга қараб юрсанг.
Тузинг ҳалол, изинг пок, ўзинг аниқ, қадринг нақд
Ўғлингга қараб юрсанг, қизингга қараб юрсанг.

ОР

Элибойлар уй сирин қўрга чиқиб кенгашмас,
Бўйин сииб кетсам эл ичида, энгашмас.
Оти ўлиб мабодо ярим йўлда қолса-да,
Кетар пою пиёда, бировларга мингашмас.

Гулчи қиз

Ёноғи гул, дудоғи гул, гулчи қиз,
Гулзорингдан ким гул узди, билчи, қиз.

Ё ёлгондан юборгандир дугонанг,
Ё ўткинчи девона бир йўлчи қиз.

Тутиб олсанг тутқунингни тергама,
Занжиринг дол бўйнидан ол, қулчи қиз.

Қайчини қўй, кечиб қошиқ қонидан
Сўр-чи ҳолин, чиқар балки элчи қиз.

Балки ул ҳам менингдек бир бозигар —
Ошиғи гоҳ чикка, гоҳи олчи қиз.

Балки дили доғлидир шом гулидек,
Билмоғ эрсанг бағрини бир тилчи, қиз.

Қўқини кўр, гулни ё ёнган юрак,
Фарқин айтар энди фақат фолчи қиз...

Ёноғи гул, дудоғи гул, гулчи қиз,
Қулининг ҳолига назар солчи, қиз.

ТИЛАК

Ҳар киши ўссин, улғайсин, ўғил-қизи одам бўлсин.
Кўқарсин, кўқрагин керсин, кенгфелъ, кенгқадам бўлсин.

Ўчоқда ўчмасин ўти, нокаста чиқмасин оти,
Топгани тўйларга кетиб, дастурхони бекам бўлсин.

Қатордан ўрини қидирсин, боқиб қўл бармоқларига,
Тўртовидан зиёдроғу, майли, бировдан кам бўлсин.

Мардлик мақоми-чун минбар ёхуд майдон эмас даркор,
Сўзиди собиту содиқ, синовда серидам бўлсин.

Ожизга оға бўлсин у, такаббур олдида кибор,
Эзгулик эътирофида иши алифракам бўлсин.

Кўтарсин, кўзга суртсин то қўҳна юрт тупроғи гардин,
Элин тили, тутуми, эътиқодига маҳкам бўлсин.

Аждоди авлиё ўтган авлод комил бўлур, албат,
Оққан ариқ оқар нақли Хол, ҳамиша ҳамдам бўлсин.

Хол Муҳаммад ҲАСАН 1957 йили Сирдарё
вилоятида туғилган. ЎзМУнинг ҳуқуқшунослик
факултетида тахсил олган. «Охува», «Қадимий
қўшиқ», «Ул кун устоз дедилар», «Сулдулардан
сулуван» сингари шеърли китоблари нашр
қилинган.

Рустам МИРВОҲИД

ДИЛИМ СОЗИ ЖАРАНГЛАЙДИР ҒАЗАЛ

Эшит, эй, ёр, дилим сози чаман бўйлаб жаранглайди,
Қўшиқди бўлбўл овози, ҳамоҳангликда янграйди.

Неча йиллар югурмай мен висолинга етолмасман,
Десам: боис надур? Айдинг: сабаб ёзуғи манглайди.

Баҳор абри каби тўқдим қўзимдан жолалар чексиз,
Пўлатдек тоқатим ҳатто анинг остида занглайди.

Очиб эрдим дилим, дўстим — тушунмай қулди ҳолимга,
Нетай, девона қўнглимни фақат девона англайди.

Нигорим деб адо бўлсам менинг-чун бу саодатдир,
Фалак ўз уфқини ҳар кеч менинг қоним-ла ранглайди.

Висол они келур, Рустам, умид-ла дилин пок тутгил,
Умидсизлик губоридан дилинг кўзгуси чанглайди.



Қизлар ўсма қўймай қўзин сузмаса
Чимрилар йигитлар қоши, ҳойнаҳой.

Шунданми, боғ аро гуллар ёнида,
Митти ўсмаларга тушганида қўз.
Шу қаро қошларга севгимиз ҳаққи —
«Ўсма!» эмас, дейман: «Гулла, яшна, ўс!»

ТЎРТЛИКЛАР

Қайсидир жавонда сарғайган қўйи,
Чанг босиб турибди мен берган китоб.
Ёстигинг ёнида ... васлинга тўйиб,
Рақибдай ётибди телефон шу тоб.

Токай ўз тирноғинг тишлаб ғажийсан,
Токай сен уларга берасан озор.
Тинч қўй ... ўсганига ишлат қайчи сан,
Унутма, кимдир шу тирноққа ҳам зор.

ОНА

Қуёшга ортимни ўгирсам, ажаб,
Баттар нурун сочиб қизитди елкам.
Ўйлайман... мана шу қуёшга ўхшаб,
Ранжитсам ҳам меҳрин аямас онам!

Рустам МИРВОҲИД 1987 йили
Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент
давлат Шарқшунослик институтининг
мумтоз араб филологияси факултетини
тамомлаган.

«Биринчи китобим» руқни остида
«Бу — ошиқ сўзим» номли тўплами чоп
этилган.

Буюк инглиз адаби Сомерсет Моэм (1874-1965)
жаҳон адабиётида реалистик ҳикояларнинг моҳир
устаси сифатида шuhrат қозонган. Англияда Ч.Дик-
кенсдан кейин асарлари энг кўп ўқиладиган С.Мо-
эм узок давом этган ижодий фаолияти — XIX аср-
нинг 90-йилларидан XX асрнинг 50-йилларигача
ёзишда тўхтамади, йигирмата роман, ўттиздан
ортик пиеса, бир неча ҳикоялар, автобиографик
асарлар, адабий-танқидий мақолалар мерос қол-
дирди. Унинг «Ой ва чақа» романи жаҳондаги энг
яхши юзта китобдан бири сифатида тан олинган.
Машҳур адиб ижодидан бир намуна — «Чандикли
киши» ҳикоясида ёзувчи ўқувчини инсон руҳиятининг
мураккаб дунёсига олиб қиради, ҳаётга тийрак назар
билан — ҳам кўниб, ҳам қулиб қарашга ундайди.



СОМЕРСЕТ МОЭМ

ЧАНДИКЛИ КИШИ

Дастлаб юзидаги чандиғи туфайли у ме-
нинг эътиборини тортганди. Чандиқ
энли ва қизғиш бўлиб, унинг ийгишга туш-
ганди. Бу чандиқ ҳуқуқ жароҳатдан далолат
берар ва мен уни қилин ёки ўқ парчасининг
иши бўлса керак, деб ўйлагандим. Бу ерлар-
да унинг тўладан келган, кулмисираб туради-
ган юзи кўзга ғалати кўринарди. Унинг юз
бичи қорувли гавдасига номуносив эди.
Келбатидан ўрта бўйли одамларга қараганда
қучли кўринарди. Мен уни доимо кўп кийил-

нима кутаётганини билган. Ҳукм ижро этила-
диган пайтгача вақтини турмада ўтказди.
Қамоқхонада улар жами беш киши эди, ҳа-
малари вақтни покер ўйнаб ўтказишди. Ютқу-
ни ҳисоблашда гугурт чўпларидан фойдала-
нишди. Айтишча, ҳаётда ҳеч қачон бунчалик
омадсизликка учрамаган: у кетма-кет, бутун
ўйин давомида ютқазди. Тонг отиб, аскарлар

қамоқхонадан уларни қатл қилиш учун олиб
чиқишга келишганларида, у бир одам ҳаёти-
да ишлатиши мумкин бўлганидан ҳам кўпроқ
гугурт чўплари бой берганди.

Улар қамоқхона ҳовлисида олиб чиқилди
ва бешови ҳам ёнма-ён деворга ти-
раб тургазилди, қуролланган гуруҳ
уларга юзма-юз турарди.
Орада озроқ танаффус бўлди ва
ошнамиз гуруҳни бошқарётган офицердан
нима учун уларни қутишга мажбур қилишаёт-
ганини сўради. Офицер қўшин қўмондони —
генерал қатлда иштирок этишга хоҳиш бил-
дирганини ва унинг етиб келишини
қутишганини айтди.

— Демак, битта сигарет чекиб олишга вақ-
тим бор экан, — деди бизнинг ошнамиз.

Бирок у эндигина сигаретини ёндирга
нида генерал ҳовлига қайтиб келди.
Одатдаги расмийчиликлар бажарилди ва ге-
нерал маҳкумлардан: «Қатл ижро этилиши-
дан аввал қандай тилақларинг бор?», деб
сўради. Беш кишидан тўрттаси «йўқ» деган-
дек бошларини чайқашди. Лекин бизнинг
ошнамиз:

— Ҳа, мен хотиним билан видолашсам
дегандим, — деди.

— Яхши, — деди генерал. — Бунга эътиро-
зим йўқ. У қаерда?

— Қамоқхона эшиғи олдида қутиб турибди.
— Беш минутдан кўп вақт бермаман.

— Бу вақт етиб ортади, жаноб генерал.
— Уни четга олиб чиқинглар.

Иккита аскар олдинга чиқди ва маҳкум
уларнинг ўртасида кўрсатилган жойга юриб
борди. Генерал бош ираб розилик ишора-
сини қилгандан сўнг бошқарувчи зобит
отишга буйруқ берди ва тўрт киши йиқилди.

Улар ғалати тарзда, бирин-кетин, бесўнақай
ҳаракатлар билан йиқилишди. Худди жонсиз
кўгирчоқлардай. Офицер уларга яқинлашди
ва битта чалажон маҳкумининг устига келиб,
револьверини бўшатди. Бу пайт ошнамиз
сигаретини чекиб бўлганди.

Дарвоза қия очилди. Аёл ҳовлига тез-тез
юриб кирди, кейин қўқисдан қўли қўқсида
ҳолда тўхтади. У йиғлаб юборди ва қўллари-

Янги таржималар

ни узатганча олдинга югурди.

— Жин урсин, — деди генерал.

Аёл қора кийимда, сочларида тўр, юзи эса
мурданикидек оппоқ оқариб кетган. У буй ет-
ган қиздан бироз каттароқ кўринар, чиройли
кулча юзли ва катта қўзли хурлиқ эди. Югур-
ганида оғзининг ҳиёл очилгани ва чиройли
юзидаги изтироб, унга шундай назоқат бағиш-
лардики, ҳатто қараб турган безътибор
аскарлар ҳам ҳайратдан «эх» деб юборишди.

Исёни уни қарши олиш учун бир-икки
қадам олдинга юрди. Аёл ўзини унинг
қучоғига отди ва «жоним» деган эхтиросли
хайқирқ билан лабларини унинг лабларига
босди. Шу пайт маҳкум йиртиқ қўйлаги ичи-
дан пичоқ чиқарди — хайронман, қандай
қилиб у пичоқни яшириб юришини уddaлаган
экан — ва аёлининг бўйнига пичоқ урди. Ке-
силган шохтомидан тирқираб қон отилди ва
исёнчининг қўйлагини бўяди. Кейин у қўлла-
ри билан аёлни маҳкам ушлаб, лабларини
унинг лабларига босди.

Бу шунчалик тез рўй бердики, кўпчилик
нима бўлганини англамай ҳам қолди, лекин
бошқалар даҳшатдан бақриб юборишди: ас-
карлар олдинга сакрашиб, уни ушлаб олиш-
ди. Аёлни эса ерга ётқизишди, бирок энди
қонни тўхтатишнинг илоҳи йўқлигини били-
шарди. Бироздан кейин унинг олдида тиз
чўкиб турган офицер ўрнидан турди.

— Аёл ўқди, — пичиради у.

Котил чўқиниб олди.

— Нима учун бундай қилдинг? — сўради
генерал.

— Мен уни севардим.

Тўпланиб турган одамлар «ох» тортиб юбо-
ришди ва таажуб билан қотилга қарашди. Ге-
нерал сўқут саклаб, унга бироз тикилиб қаради.

— Бу мардлик, — деди генерал нихоят, — мен
бу одамни қатл эттолмайман... Машинамни олиб
уни чегарага элтиб қўйинглар. Мен сени хурмат
қиламан, сенёр. Чунки бир жасур эркак бошқа
жасур эркакни хурмат қилиши керак.

Исёни бир сўз демай, икки аскар ўрта-
сида, қутиб турган машинага қараб юрди...

Дўстим гапиршдан тўхтади ва мен жимиб
қолдим. Айтишим керакки, у гватемалалик эди
ва менга испан тилида гапирди. Мен ҳам унинг
айтганларини қўлидан келганча сизга ҳикоя
қилдим, бирок унинг анча бўрттирилган нут-
қини ўзгартаришга уринганим йўқ. Ростини
айтганда, менинча, бу ҳикояга ярашади.

— У чандикни қандай қилиб орттирган? —
сўрадим мен нихоят.

— Ў-ў, бунга шиша бутилка сабаб бўлган.
У очаетган пайтда идиш ёрилиб кетган.

Занжабил виносининг идиши.

— Бу нарсани умуман ёқтирмайман, —
дедим мен.

Инглиз тилидан
А.ОТАБОВЕВ таржимаси.

Алишер ОТАБОВЕВ 1985 йили
Нурута шаҳрида туғилган. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети
халқаро журналистика факултетини
тамомлаган. Ҳозирда мазкур
университет тадқиқотчиси. У япон
ёзувчиси Х.Муракамининг «Шамол
қўшиғини тингла» романини, инглиз
адиби С.Моэм ҳамда У.Фолкнер,
Э.Рампо, К.Гамсун сингари
ёзувчиларнинг ҳикояларини ўзбек тилига
таржимаси қилган.

Ахир, у чаманда униб ўсмаса,
Шу камон қошларининг ҳоли бўлар вой.

Ўзбек миллий насри тарихида фавкуллода муҳташам адабий ҳодиса бўлган “Ўткан кунлар” романининг мукаммал матни, таъдбири ва тили масаласи ҳамон баҳс-мунозаралар тугдирмоқда. Боз устига асарнинг адиб ўз қўли билан битган қўлёзмаси мавжуд эмас. Бу ҳол ҳам муаммонинг долзарблигини англатади. Романдан бир парча 1923 — 1924 йилларда, 1925 йилда эса биринчи бўлими китоб ҳолида чиққани маълум. Бироқ алоҳида нашрдан Абдулла Қодирийнинг қўнгли тўлмаган.

Китоби чоп этилган вақт ёзувчи Кинг Москвада ўқиган даврига тўғри келган. Шу боис “Ўткан кунлар”нинг илк бўлими тузатилиб, 1926 йили қайта босилган. Демак, 20-йилларда асар биринчи бўлимининг бир оз фарқлангани учун нусхаси мавжуд эди. Иккинчи ва учинчи бўлимининг эса биткандан вариант бор. Адибнинг кўзи тирикчилигида, яъни 1933 йили учта бўлим бирлаштирилиб, бир муқовага жамланган навбатдаги нашр амалга оширилди.

Маълумки, XX асрнинг 60 — 90-йилларида асарнинг ўзбек адабий тили қоидаларига нисбатан мосланган нусхаси ўқилди. 1992 йилда “Ўткан кунлар”ни захматқаш таъдбири Хондамир Қодирий 1925 — 1926 йилги нусха асосида изоҳ ва иловалари билан чоп эттирди. Бугун шу нусха оммалашган. Бироқ китоб охирида 1925 — 1926 ва 1933 йилда босилган роман матнида тегишли фарқларнинг бир қисми кўрсатилган, ҳолос. Ҳолбуки, икки нашрга оид катта-кичик тафовутнинг сони беш юзтадан ошади. Бугунги таклифлар ва заруратдан келиб чиқиб, романинг уйғун матнини, нафақат бу икки нусха, балки 1923 — 1924 йилги журнал нусхасидан ҳам фойдаланиб амалга ошириш керак, деб ўйлаймиз. (Қаранг: журнал нусхаси бўйича “ЎЗАС”нинг 2013 йил 12-19 апрел сонларида ушбу муаллифнинг “Ўткан кунлар”га қайтиб...” номли мақоласида бир қанча мулохазалар айтилган — Тахририят.)

АСОС НУСХА МАСАЛАСИ

Ҳўш, тўлиқ босилган икки нусханинг қайси бири “Ўткан кунлар” учун асос бўлади?

Аслида манба шунослик тажрибаларига кўра, адибнинг кўзи тирикчилигида босилган охириги нусха барча нашрлар учун замин бўлиши лозим. Бироқ қиёс-лардан маълум бўлдики, “Ўткан кунлар” романининг уйғун матнини ҳозирлаш жараёни ўша қоидалар истисно этади. Демокчиликни, тарқатган 1933 йилги охириги нусха бўлса ҳам, романинг тугал матни учун асос бўла олмайдми. Бунинг бир қанча жиддий сабаблари бор.

Ўзбек адабий тилининг орфографик қонунлари 20 — 30-йилларда ҳам турғунлашмаган эди. Битта сўзни турлича ёзишлар, тилдаги сингармонизм ҳодисасини бор ҳолича адабий тилга тадбиқ қилувчи ва уни инкор этувчи зиялилар гуруҳи мавжуд эди. Шу боис “Ўткан кунлар”нинг 1925 — 1926 йилги нашрига қиёсан кейинги нашри тилида жиддий ўзгаришлар кузатилди. Албатта, бундаги фонетик ўзгаришлар, айрим товушларнинг қўшилиши ёки ўчириши қолдирилиши романининг умумистетик мазмун-моҳиятини ўзгартирган эмас. 30-йилларга келиб 20-йилларда тупна-тузув ёзилиб турган ва ҳатто бугунги адабий тилга мос тушадиган айрим сўзлар имлосида нотабиий ўзгаришлар бўлди (масалан: бери — **берли**, ҳамма — **хама**, Андижон — **Анжан** ва бошқалар).

Роман матнидаги “шундоқ”, “шундоқ”, “қандоқ” каби сўзлар ҳам юз фоиз “шундай” ва “қандай”лаштирилди. Ҳолбуки, ҳозиргача ўша сўзларнинг ҳар икки шакли ҳам оғзаки ва ёзма нутқда фаол қўлланади. Аслида, бундай сўзларни адабий матн ритми, ички

саъж, муаллиф ва қаҳрамонлар нутқи-га қараб ўрни-ўрни билан аралаш қўллаш ҳам мумкин. Назаримда, уйғун матн учун айнан бугунги адабий тил лексикасига мос бўлган ва, энг муҳими, романинг ҳар учала нусхасида учрайдиган сўзлардан фойдаланиш таъминли яхши самара беради.

Масалани бошқа бир жиҳати шундаки, Абдулла Қодирийнинг айна нусха корректурасини ўқиганига ишониб

1926 йилги нусха марказда туриши ва 1923 — 1924 ҳамда 1933 йилги нусхалардан ёрдамчи манба сифатида фойдаланиш лозим. Бундай уйғун матн учун ҳар учала нусхадаги замонавий адабий тилга мос ифодага эътибор берилади. Масалан, 1925 — 1926 йилги нусхада Отабек портрети: “Оғир табиъатлик, улуг гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлик ва

эндигона мурти сабз урган бир йигит” тарзида ёзилган бўлса, бу тасвир 1933 йилги нашрда қуйидаги шаклга келтирилган: “Оғир табиъатли, улуг гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган, қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигона мурти сабз урган бир йигит”. Демак, романинг бошқа ўринларида ҳам “-лик”, “-лик” сўз асосчи қўшимчалар юқоридаги мисолга ўхшаб, асосан “-ли” аффикси билан алмаштирилган ва талаффузи нисбатан осон ҳамда адабий тилга мувофиқ бундай ўзгариш асар ўқилишини енгиллаштиради.

Жуда кўп ўринларда “ўтишқа”, “тушишқа”, “ишқа”, “шариатка” сингари сўзларга қўшилган жўна-лиш келишининг “-ка” қўшимчаси 1933 йилги нусхада “-га” шаклига ўтказилган. Айни дамда аввалги нусхадаги кўп сўзлар таркибидаги ўзаро мослашган товушлар (масалан, 1925 — 1926 йилги нашрда: “Оқ сутимни **оққа**, кўк сутимни **кўкка** соғдим”) кейинги нашрда “Отабекга”, “марғилон-**лиққа**”, “бурчакка”, “сарикка”, “каёқгадир”, “озроқгина”, “чикан”, “тўхтамоққа” каби олдинги товушга мосланганга (масалан, 1933 йилги нашрда: “Оқ сутимни **оққа**, кўк сутимни **кўкка** соғдим”) ҳолатга келтирилган-ки, албатта, бундай талаффузи қийин томонга ўзгарган товушлар асар тилини оғирлаштиради. Шу боис бундай ўринларда мосланган вариантлари қабул қилинган маъқул.

Товуш ва қўшимчаларнинг ўзгариш-лишига оид яна бир муҳим мулоҳаза шуки, барча сўзларга қўшилган “-дек” ва “-дирган”, “-дирган” шакл ясовчи қўшим-часи ўрнига 1933 йилга келиб, қариб юз фоиз “-дай” (Отабекдек — Отабек-дай, ўрдадек — ўрдадай, ишонмаган-дек — ишонмагандай, жонлангандек — жонлангандай) ва “-турган” (“қуладир-ган” — қула турган”, “оладирган” — ола турган”, “уйлангандирган” — уйланти-ра турган”) шакл ясовчи қўшимчаси қўлланади. Ҳолбуки, уларни асардаги воқеалар кечими, матн руҳи ва оҳангига кўра қўпинча аввалгисини, баъзан ўзгарган шаклини ҳам қўллаш мумкин.

Тўғриси, романинг ўзак матни, яъни муаллиф баёни-нутқи комп-лекс равишда уйғунлаштирилган ҳолда адабий манба таркибида келган мактублар тили ва қаҳра-монлар нутқини ўз ҳолича қолди-риш мозий колоритига мос кела-дигандек туюлади.

“ЖОНСЎЗ”МИ “ЖОНСИЗ”?

Романининг икки нашри таққосланса, қўллаб сўзлар фарқига дуч келинади. Икки хилда ёзилган сўзларнинг акса-риятига лоқайдлик туфайли йўл қўйил-ган имловий хато, деб қараш ўринли-дир. Бундай хато ёзилган сўзлар тову-шини ўз вақтида китобхонлар ўнглаб, маҳражини жойига қўйиб ўқиганлар, албатта. Гап бу ҳақда эмас...

Асарнинг кейинги нусхасида ро-ман матнининг бадийи тақоми-лига ёрдам берадиган бир қанча сўзлар бор. Масалан, Мирзақарим қутидорни-кига Зий шохичи билан Ҳасанали со-вчи бўлиб келган кечки пайт... Бу ма-ҳалда Тўйбеканинг ухлаётгани аввалги нусхада: “Тўйбека бўлса ўзининг ўчоқ боши ёнидаги уйчасини **титратиб** жур-

рак отар эди”, деб тасвирланади. Кейинги нусхада ушбу “**титратиб**” сўзи нисбатан халқона сўз бирикмаси билан алмаштирилади: “Тўйбека бўлса ўзи-нинг ўчоқ боши ёнидаги уйчасини **бо-шига кўтариб** хуррак отар эди”. Бош-қа бир саҳифада Ўзбек оғим кайфия-ти баён қилинган экан, аввалги: “Бир йиллардан бери ичига йиғиб келган кинасини тўкиб берди”, гапига иккита янги сўз қўшилади: “Бир йиллардан бери ичига йиғиб келган кинасини **бир варакай** тўкиб берди”. Бу ўзгариш қаҳрамон табиатида кечаётган безовта руҳий ҳолатни теранроқ тасаввур қилишга ёрдам бериши табиий. Кейин-ги нусхада “ёнига-қотиға-қошмаға”, “битта тоқчада — **тоқчалардан бири-да**”, “буви — **ача**”, “ўнда-сўнда — **онда-сонда**” каби ўнлаб ўринли тахрирлар мавжуд. Деярли барча эпизодларда Кумуш ва Саодатнинг кўзи тавсифида “**шахло** кўз” “**оҳу** кўз”га алмаштирила-ди. Ёзувчи маҳаллий халқ бир оз ис-теҳзо билан қарайдиган “шахло”ни кей-инги нусхада ўзгартаришни маъқул то-пади. Бундай сўз танловлари бадийи матн фазилатини оширган, адибнинг сўз маъноларига диққатини намоён эт-ган.

Романинг “Эсон бўлсақ кўришар-миз” номли фаслида кунлар санови бил-лан боғлиқ жуда муҳим бир тахрир бор. Марғилондан Тошкентга келган куд-а меҳмонлар уйларида қайтишмоқчи... Кумуш ўзи билан олиб кетиш учун ҳар кимга бир илтижо қилиб, нияти ижобат бўлмаган Офтоб оғим маҳзун ҳолатда ўтирибди. Шу охириг кечада она-қиз ёлғиз. Сўхбат асносида Кумуш онасига қараб ўринсиз илҳади. Бундан Офтоб оғимнинг аччиғи чиқади.

—Маним ҳолим сенга кулгими, қизим?

— Йў! — деб яна кулимсиради Кумуш, — бир-икки кундан бери сиз айтадирган...

— Нима мен айтадирган?

— Ахир... — деб кизаринди Кумуш, — кўнглим айнар эди, деб айтар эдин-гиз-ку...”

Хўшабардан Офтоб оғимнинг ач-чиғи таркаб, бирдан юзи ёришди...

Ушбу фасл 1925 — 1926 йилги нус-хада шундай бошланади: “Тошқанда келишинг **йигирманчи** кундан Қути-дор Марғилонга қайтиш фикрига туш-ди”. 1933 йилги нусхада бу ердаги са-ноққа яна йигирма кун қўшилиб, қирқ кунга етказилади: “Тошқанда келиш-нинг **қирқинчи** кундан Қутидор Мар-

ғилонга қайтиш фикрига тушди”. Назе-римизда, бундай жуда муҳим тахрир Кумушнинг “кўнгли айнаши” ҳолати, ву-жудига ҳомиланинг шаклланиш вақти билан боғлиқ. Шу физиологик ҳолатга монанд айна фаслнинг кейинги ўрин-ларида ҳам адиб Ўзбек оғимнинг: “Нега мунча шошмоқ, ёв қувладими, ақалли **бир ой** бўлсин... Марғилон деган юрт-дан от-отлаб, туя қумлаб кел эмиш-да **бир ойгина** турмай кет эмиш!”, деган гапиди, шунингдек, Зайнабнинг: “Қай-тар эмишсизлар, деб эшитдим. **Бир ой** ҳам турмас экансизлар-да!”, гапиди “**бир ой**”ларнинг “**икки ой**”га ўзгари-ши ҳар жиҳатдан жуда табиий ва ўрин-лидир. Таассуфки, романининг ҳозирга-ча босилган, ҳатто энг охириги нашрла-риу рус ва немис тилига таржима қилинган (рус тилида: “Через **двадцать** дней после приезда в Ташкент кути-

хатининг вазиятга мос ҳусусияти на-зарда тутилди.

Роман нусхаларини қиёсий ўрганиш жараёнида жуда кўп муаммолар, юзлаб фарқларга доир мулохазалар, жой но-млари, атоқли отлар имлосида ёки оддий сўзларни ёзиш ва танлаш юзасидан бир-бирини тўлдирувчи, ўзаро тенг қучли ва ҳатто инкор қилувчи фикрлар пайдо бўлди. Бироқ бир мақола доирасида уларнинг ҳаммасини айтиш ва охириг ечимини то-пишинг имкони йўқ, албатта.

Аслида, “Ўткан кунлар”дек ноёб по-этик обиданинг уйғун нусхаси жонқуяр адабиётшунос ва тилшунослардан ибор-рат махсус ҳайбат назаридан ўтказил-са, барча ўзгартаришлар баённомалар-да акс эттирилиб, тарихий факт сифа-тида ҳужжатлаштирилса, ҳар жиҳатдан маъқул иш бўларди.

АЙРИМ ТАКЛИФЛАР

Нусхалар орасида романининг ком-позицион қурилиши, сюжети, образлар тизими ва гоёвий мотиви каби қатор масалаларда фавкуллода ўзгаришлар йўқ. Демак, жузъий ўзгаришларга жид-дий қараш керак бўлади. Энг катта му-аммо тилдаги сингармонизм ҳодисаси билан боғлиқ аслида. Тасаввуримизча, асар майдонга келган даврда ўзбек адабий тили орфография қоидаларида охириги тўхтама келинмаган эди. Ҳар бир вақтги матбуот нашрлари ва нашриётларда ўз таъбири мувофиқ им-лода ёзиш ва сўз қўллаш урфа кирган эди. Бу жараён ўн йилларга қўзилган экан, демак, “Ўткан кунлар” романининг янгида тайёрланадиган уйғун нусхаси тилига 20 — 30-йиллар ўзбек адабий тили намунаси сифатида қараш ўрин-ли бўлади. Шунга монанд роман матнидаги эски ўзбек имлосидан таб-дил қилинган “адим”ни “одим”га, “онгламок”ни “англамок”қа, “сихр”ни “сеҳр”га, “эгилик”ни “ийгилик”қа ўтқа-зиб ўқиш ва ёзиш хато саналмайди.

Романдаги айрим фасллар учун адиб томонидан, дейлик, “Бизда ким кўб йиғиларди?” ўрнига “**Қаро кун-лар**”, “Унутолмас нима қилсин” ўрнига “**Саёқ йўлда**” деган бошқа сарлавҳалар танланганки, албатта, бундай қайта номлаш ҳам бежиз эмас. Қайта босиладиган уйғун нусхага “Ўткан кунлар”нинг биринчи бўлими охирига илова қилинган “Рўмон деб сизга тақдим қилинган бу нарсга дунёга келиши биланок бахтсизликка учрай бошлаган эди: беш йиллаб беч-сила олмай ётди” жумласи билан бош-ланувчи “Узр”ни киритиш шартмас. Чунки ўз вақтида вазифасини бажа-риб тугатган бу ўзрномани муаллиф асарининг 1926 йили тузатилиб қайта босилган биринчи бўлимига ҳам, 1933 йилги нашрига ҳам киритмаган. Адиб-нинг ўзи воз кечган “Узр”ни янгилик сифатида романининг ҳозирги нашрла-рида берилиши ўзини оқламайди. Аммо унинг роман тадқиқотчилари учун муҳим илмий манба эканини эътибордан қочириб бўлмайди...

Хулоса қилиб айтганда, “Ўткан кун-лар” романининг Абдулла Қодирий на-зари тушган нусхалар асосида ҳозирги адабий тилга яқин бўлган, ўқувчилар завқ-шавқ билан севиб ўқийдиган ва, тасаввуримизча, тақомиллашган уйғун матнини тайёрлашга зарурат бор.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори

Тадқиқот, ахборот

тилади.

“Ўткан кунлар” нусхаларининг қайси бирида маъноси тўғри, бадийи жиҳат-дан таъсирчан ва маъқул кўринган сўзлар бўлса, уларни уйғун матн учун қабул қилиш керак.

Адибнинг қўллаган сўзлари юзасидан муҳокама юрийтиш оғир иш: одам исти-ҳола қилади ва ҳар хил андишга бора-ди. Аслида Қодирий ишлатмаган бирор сўзни матнга киритиш ўзини оқламагани устига беадаблик ҳамдир. Юсуфбек ҳожининг ўғли билан жиддий ижтимоий мавзудаги сўхбатда: “Боболарнинг му-қаддас гавдаси мадфун Туркистонимиз-ни **тўғнхўна** қилишга ҳозирланган биз итлар Яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз!” гапиди “тўғнхўна” сўзи 1933 йилги нашрида “**оёқ** остида қилишга” деб анча юмшатилади. Аслида шу икки сўздан бирини танлаш лозим. Бироқ ро-манининг 1980 йилги нашрида бу сўз “**ко-фирхона** қилишга” тарзида киритилган-ки, бундай уйланмай қўлланган кескин ифода Абдулла Қодирий фитратига мувофиқ келмайди.

1925 — 1926 йилги нашрда “жон ўртовчи, азоб берувчи” маъно-сидаги “**жонсўз**” сўзи 1933 йилги на-шрнинг барча ўринларида “**жонсиз**” келади. Тўғри, роман тилида “жонсиз” сўзи қўлланган. Бироқ бу икки сўз ёзи-лишида фарқ бор. Эски ўзбек ёзувида “жонсиз”га нисбатан “жонсўз” тар-кибида битта товуш орттирилади. Адиб роман бошланишида “...унинг юзини тўзгизган соч толалари ўраб олиб **жонсўз** бир суратга киргизди”, деб Кумуш қиёфасини тасвирлаган экан, айна сўз “жонсиз” билан алма-шиб келса, бу эпизоддаги тасвир ҳам жонсизланса, хиралашиб қолади. “Хат ҳақиқатан **жонсўз** эди” — бунда Ку-мушини ҳушидан кетказган сохта талоқ

ЖАРАНДОР РАНИЛАР

**Шеърят! Мен сенга сифиндим бу кун,
Сўзларнинг тафтидан қалбга чўғ солиб.
Ўзингни атомсиз кўрниклагувчи
Сен, ахир, давлатсан мағрур ва голиб.**

Шеърга Абдулла Қаҳҳорнинг “Адабиёт атомдан кучли”, деган ибораси эпиграф қилиб олинган. Ёш шоир ана шу фикрга та-яниб, бадийи сўзнинг моҳиятини таърифлай-ди. Дунёнинг мувозанатини, жаҳон-да тинчлик ва товулчининг атомлар эмас, ҳароратли сўз таъминлайди, деган ижтимоий мазмун сингди-рилган бу шеърга.

Беруний бобомиз кашф этган глобус Ер шарининг кичрайти-рилган, мўъжаз шаклидир. У одамнинг бошидек думалок, унинг одам миясидек ярим шарлари, асаб толаларидек томиллари бор. Ўзидаги ақиллар эса, ҳаётнинг оғир машаққатлари, фожевалари, бахтли ва қайғули кунларидан

қолган излар. Муқояса чиндан табиий: Ер шарни одамнинг бошига ўхшайди. Одам Ер шарининг мувозанатини, дунёнинг тинчли-гини ўйлаб бош қотиради:

**Бул зотининг юзидан ўтиб бўлмайди,
Бул зотининг юзидан ўтмоқ не керак?
Хар битта ажини —
Тортилган чизик.
Хар битта ажини —
Битта чегара.**

Шоди сўзларнинг маъно товланишлари, ранглари нозик ҳис этади. Бир ўзакдан тарқалган шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлардан бадийи воситалар орқали туй-ғулар суратини чизади. Бамисоли битта уядан парвоз қилган полапонлардек сўзлар уяди. Бу тасаввурни завқланти-

ради, бойиатади: “Олис оқшом юрагимни Олиб келдим олдинга. Ол рангидан ол юзингга Сурмоқ учун олдинг-а”.

Ранг-баранг оҳанглари ҳис этиб, улар-дан ўз ўрнида фойдаланган шоир “Бугдой-зордек шовуллагин...” шеъритада халқ оҳанглирига илхоси баландлигини намоён этади. Шеърда қофиялар нафақат оҳангни таъминловчи бадийи восита, айна пайтда образ яратувчи сўзлардир. Зеро, шеърнинг шаклини ва мазмунини қофия белгилаб беради. Қофия ку-тилмаган тимсолларни, фавкуллода-да фикрларни яратади. Спортчи-нинг қанча тез ва узоққа югуриши-ни нафаси белгилангандек, шоир-нинг қанчалик шеър айтишини, унинг шеъри қанчалик узоққа кети-шини қофия белгилайди.

Шоди Отамурод ранглари ўзича талқин этади. Сифатлардан оҳорли ташбеҳлар нсади: “Менинг боғим-даги гуллар галати — Япроғи кип-қизил, Фунчаси ашш”, “Қозонимга ташлан-ган ой — сап-сарик танга”, “Наҳот, бу юрак-мас — энди сариқ тош”... Унинг шеърлари-да кўча маънодаги сўзлар, муболағалар, тазодлар бор: “Гар ёнмасан суютимгача, То-полмасан бу ишқдан зиё”, “Хали бир кун оёғингга тикон бўлар деб, Косасидан юлду-зини сочдими моҳим”, “Кўз ёш бўлиб гўё киприкдан Тошган суьга етарми қўлим. Ик-каламиз солган кўприкдан, Умр ўтиб бора-дир, гулим”...

Муҳими, “Соғинч ранглари” тўпламига жамланган шеърларда сўзларнинг ранг-ларидан завқланса, ранглarning овозини тинглаб, руҳингиз сурурга тўлади.

Рустам МУСУРМОН

“АФҒОНИСТОН ХАЛҚЛАРИ ОҒЗАКИ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР”

Ўзбек таржима адабиётининг хазинаси кат-та: жаҳон адабиётининг антик даврда, ўрта асрларда, бугунги кунда яратилган ноёб асар-ларининг кўп қисми ўзбек китобхонларига она тилимизда тўхта этилган. Аммо жаҳон халқла-ри оғзаки ижоди намуналари таржимаси бо-расида бундай деб бўлмайди. Турли халқлар-нинг эртақлари, достонлари ўзбек тилига тар-жима қилинган бўлса-да, назимий фольклор дур-доналари тилимизга ўғирилмаган. Ана шу ма-салаларни эътиборга олган ҳолда филология фанлари номзоди Эргаш Очилов томонидан да-рий тилидан ағдарилган афгон фольклори на-муналари тўплами — “Афғонистон халқлари оғзаки шеърятидан намуналар” чоп этилгани айна мудоаодир. Тўплами филология фанла-ри доктори, профессор Абдурахим Маннонов туз-ган, муҳаррир — Ш.Исмоилов. Китоб “Турон-Иқбон” нашриётида 2014 йили босилган.

Афғонистонда қадим-қадимдан ўттизга яқин миллат ва элат яшаб келади. Бу халқ-ларнинг ҳар бири ўзига хос бой оғзаки ижо-дига эга. Ушбу мажмуа Афғонистоннинг да-рийзабон, пуштузабон ва туркийзабон халқ-лари тилидаги яратилган халқ оғзаки ижо-диётининг турли жанрлардаги намуналарини: дубайти, рубойи, қўшиқ, тўртлик, ландаёлар-ни ўз ичига олади. Тўпламининг илк саҳифа-ларида берилган мақолада муаллифлар

Китобдан яхши дўст бўлмас

дубайтий жанрига алоҳида тўхталиб, унинг ўзига хос хусусиятларига таъриф беришган. Шу билан бирга, афғонистонлик ўзбеклар оғзаки ижодидан намуналар — термалар, қўшиқлар ҳам мазкур китобдан жой олган.

Мажмуа, асосан, олий ўқув юрталарининг филология йўналишида таҳсил олаётган та-лабаларга ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган. Шунингдек, ушбу тўпламдан Шарқ адабиёти ва унга ёндош йўналишлар-да тадқиқот олиб бораётган адабиётшунос-лар, тилшунослар, фольклоршунослар, эт-нографлар илмий-адабий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин. Кенг китобхонлар оммаси учун эса, қўшни Афғонистон халқлари оғзаки ижодиётидан баҳраманд бўлишда бу китоб қўл келиши шубҳасиз.

Мажмуа материаллари афгон тили ва ада-биёти, таржима назарияси ва амалиёти фан-лари бўйича амалий машғулотларда таҳлил объекти сифатида хизмат қила олади.

А. ИЛЁХОНОВА,
ЎЗМУ журналистика факультети
талабаси



Биз, одатда, киши овозининг баланд-пастлигини, қувноғу гамчилигини, меҳро-ли қаҳрлигини фарқлаймиз. Ёш шоир Шоди Отамурод эса овозининг вазини, қўламини тасаввур этиб ёзади: “Овозим бу — энг оғир байроқ, Гўё ерга тўшалган гилам”. Оғир овозни даст қўтариш учун қанча куч, ирода керак. Шоир наздида оғир “гилам”ни кўтариб баландга илса, олам симторлардек титрайди. “Овоз” тимсоли-да “байроқ”, “ор-но-мус”, “ғурур” каби кўча маънолардан ташқари “қуй”,

“оҳанг”, “қўшиқ” каби тушунчалар ҳам назарда тутилган. Шеърнинг кейинги ми-сраларида бу тимсоллар бадийи умумлаш-тирилди ва ёрқин манзара ҳосил бўлади:

**Овозим — бу энг оғир қуйдир,
Қуйдирки, ҳеч йўқдир поёни.
Мабодо мен қўшиқ қуйласам,
Қўшиқ босиб қолар дунёни.**

Шоир “Соғинч ранглари” номли тўплами-даги (“Адиб” нашриёти, 2014) бир ҳазил шеъритада сўзларда товуш орттирилиши ва тушиб қолиши ҳодисасидан бадийи восита сифатида яхши фойдаланган: “Қошиқ эди, “к” кетиб, Ошиқ бўлди бир зумда. Қулфат эди, “к” кетиб, Улфат бўлди бир зумда. Тай-ёр эди, “т” кетиб, Айёр бўлди бир зумда”.

Битта товушнинг камлиги ёки орткили-ги инсоннинг феъл-атворидаги камчилиқ ёки фазилатларга қиёсланади. Битта то-вушга, ҳарфга маъно юклай билиш, тағдор имо-ишораларни тиниқ ифодалаш бадийи маҳоратдан далолатдир.

Тўпламдаги шеърларда Шоди сўзнинг суратини чиқишда, унинг ҳароратини, қуч-қудратини тас

Хужжатли филмлар орқали муайян шахс, миллат ҳаётининг унутилмас, рангин лаҳзаларини тасмаларга муҳрлаши, маънавий жасорат ва ибратга молик умр саҳифаларини ўчмас солиномаларга айлантириши мумкин.

Бу экран битиклари вақт ўтса-да, сеҳру жозибасини йўқотмай, минглаб авлодларга инсоний фазилатлардан сабоқ беради. Ўз номига мувофиқ эртанги кун учун хужжат, далил бўлиб хизмат қилади. "Ўзбекино" Миллий агентлиги илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда фидойи меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимиз ҳаёти, ижодий фаолиятидан ҳикоя қилувчи "Замон ва тақдирлар" номли туркум филмлар суратга олишни йўлга қўйди. Алишер Навоий номидаги кино саройида премьераси бўлиб ўтган "Йўл" хужжатли филми мазкур лойиҳанинг дастлабки маҳсули бўлиб, у атоқли навоий-шунос олима, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси Суйима Ганиеванинг ибратли ҳаётига бағишланди.

Таниқли шоир Эшқобил Шуккур сценарийни асосида режиссёр Адҳам Усмонов суратга олган филмнинг рамзий маънода "Йўл" деб номланиши бежиз эмас. Дарҳақиқат, олиманинг илму ижодга туташ, машаққат ва изланишларга бой ҳаётини бами-соли узун бир йўлга қисқасас, унинг нурли бекатида кучли ирода, сабру қаноат муҳассам эканини кўрамиз. Суйима Ганиева узоқ йиллардан буён Ҳазрат Навоий ижодининг ошфотаси. Ул зотга чин ихлос қўйиб, ҳар байтидан маъно топган, Навоий тафаккурининг бепоён сарҳадларини кезиб чиқиб, ҳайрату таважжуҳларини юзлаб рисолаю тадқиқотларга жамлаган олима ҳамон шу дунёнинг муҳлиси.

Қайси даврага бормасин, Навоий сўзи билан кўнгилларни мунаввар айлаб, барчани мумтоз адабиётга ошно этади.

— Захматкаш олима Суйима Ганиева ҳақида хужжатли филм суратга олиниши миллий кино

Муносабат

кор сифатидаги маслаҳидан яхши хабардор бўлганим боис сценарийни ўзгача завқ билан ёздим. Тасвирга олиш ишлари ҳам кўнгилдагидек кечди. Умид қиламизки, филм узоқ вақт тасмаларда яшаб қоладиган, ибратли асар бўлади.

Гарчи филм хужжатли жанрга мансуб бўлса-да, бадий ифода ва рамзлар, томошабинни мушоҳадага ундовчи эпизодлар билан бойитилган. Бунга

Картина муваффақиятида постановкачи оператор Музаффар Юсуповнинг хизматлари беқийс. Олиманинг турли учрашув ва тадбирларда сўзлаган нутқи, давлат ва жамоат ишларидаги фаолияти, гоҳо гавжум давралар, гоҳо ёлғиз қолган кезлари ботинидан ўтган ўй-хаёллар, тириклик, яшаш бахти, илм, изла-ниш, умр мазмуни ҳақида айтил-ган мулоҳазалар, шу ҳолат ва вазиятларга мутаносиб келувчи тасвирлар филмнинг янада жо-зибали бўлишини таъминлаган. Филм қаҳрамонининг руҳий дунёси, юзу кўзида ифода топ-

НУРЛИ ТАҚДИРЛАР



картинанинг илк саҳна-сидаёқ гувоҳ бўлиш мумкин. Қоронғу тун. Атроф-жавонибда қимир этган жонзот йўқ. Гўё бутун олам осуда уйкуга чўмган. Тўсатдан гўмбурлаган момокал-диқроқ ширин уйкудан воз кечиб, бесаранжом бўлган олиманинг юрак амрига ўхшайди. У ни-гоҳини олисларга қадаб, ўтган умрини сарҳисоб қиларкан, ил-мга бахшида ҳаётининг

ган турфа кечинмалар, баъзан ҳаяжон, баъзан орзиқиш билан ёдга олинган ёшлик йилла-ри, ҳамон яратиш, янгилик қилишга мойил қиёфаси опера-тор тасвирларида бадий-ҳақоний акс эттирилган. Бунда асосий эътибор қаҳрамоннинг нигоҳига қаратилади. Айнан ни-гоҳларда ички оламнинг нақадар мусаффо ва рангинлиги, тоза эҳтирос ва туйғуларга бойлиги кўриниб туради.

Филм ижодкорлари навоий-шунос олима Суйима Ганиева тимсолида виждон ва эътиқод-га содиқлик, илмга хайрихоҳлик, инсоний ирода ва матонат син-гари фазилатларни тараннум этади. Айна пайтда инсон ва ижодкор қисматининг замонга дахлдор нуқталари образли ифодадор, бадий бўёқлар во-ситасида талқин этилади. Бир-гина шахснинг маънавий жасо-рати бутун миллат ҳаётида кат-та ўзгаришларга замин ҳозир-лаши, чинакам фидойи, зиёли инсонларгина буюк ишларга қодир бўлиши филм давомида ойдинлашади. "Замон ва тақ-дирлар" туркумида суратга оли-надиган навбатдаги филмларга ҳам шундай ибратли ҳаёт эга-ларининг фаолияти мавзу бўлса, ажаб эмас.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ

“ЖАННАТГА ЙЎЛ” – МОНОСПЕКТАКЛ



Ўқув театри саҳнасида

натни бузмайди. Овоз маромини ўзгартириш услубидан гоята табиий фойдаланиб, ҳар бир қаҳрамонга хос сўзларни ёрқин ва таъсирчан ифода этади. Чопон, оқ ва қора либослардан ўринли фойдаланиш орқали персонажлар қиёфасига осон киради. Актёрнинг асар моҳи-ятини томошабинга тўқис етказа олишида шеърый матнлардаги теран жозибани идрок этиш ва нутқ интонациясига қатъий риоя қилиш борасидаги қобилияти ҳам, айниқса қўл келганини таъкидлаш жоиз.

Ҳаётдаги иллатлар, оғизликни фош этиб, эзгуликни улугловчи асар қаҳрамони тилидан айтилган сўзлар актёр талқинида залворли жаранглайди:



Инсон ва замонга доир маънавий муаммолар теран бадий ифода этил-ган асарлар ҳамиша томошабинни му-шоҳадага чорлаб келади. Ўтган аср-нинг саксонинчи йиллари охирида саҳ-на юзини кўрган Ўзбекистон Ҳахромо-ни, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" шеърый драмаси шу маънода бетакрор асарлар сафидан ўрин олгани бежиз эмас. Яқинда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг битирувчи талабалари шу асар-га яна мурожаат қилдилар. Муסיқали театр ре-жиссёрлиги бўлими талабаси Нарғиза Исахоно-ва "бир актёр театри" тарзида саҳналаштирган мазкур моноспектаклдаги асосий ролни драма-тик театр ва кино актёрлиги бўлими талабаси Аҳрор Алижонов катта маҳорат билан ижро этиб, санъатшунос мутахассислар олқишига сазовор бўлди.

Авалло, режиссёр ҳамда саҳналаштирувчи рассом Алишер Тўлабоев томонидан асар во-қеалари кечадиган руҳлар дунёсидаги манзил-ларга хос саҳна манзаралари тўқис гавдалан-тирилган. Гуноҳу савобларни ўлчовчи тарози-дан ҳар кимнинг яхшию ёмон аъмоллари би-тилган қайдномаларга томошабин эътибори-ни тортиб туради. Энг муҳими, умидли актёр Аҳрор Алижоновнинг истеъдоди боис барча персонажларнинг шеърый матнлари тўқис ёдланганки, актёр бирон ўринда ҳам мувоза-

Мен яхшилик тилар эдим инсониятга, Ўйлардимки, эзгуликни қуйладим фақат. Лекин, афсус, етолмабман қутлуг ниятга, Қурашмоғим керак экан балки бешафқат...

Санъат ва маданият институтининг янгидан барпо этилган шинам ўқув театрида намоиш этилган ушбу моноспектакл тақдиротиға таш-риф буурган мухлислар, ижодкорлар, санъат-шунос мутахассислар, жамоатчилик вакиллари бўлғуси санъаткор талабаларни олқишлаб, уларнинг илк қадамларига катта баҳо берди-лар. Асар муаллифи Абдулла Орипов, ҳуқуқшу-нос Ўбайдулла Минғбоев, институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев ва бошқалар ёш ижодкор-ларни қутлаб, миллий саҳна санъатимизнинг истиқболи ана шундай дадил ижодий қада-млардан бошланишини таъкидладилар.

Суратларда

"Жаннатга йўл" спектаклидан саҳналар.

Гул кўп, чаман кўп

Тош асри рассомлари

Замонавий кино санъатида бугун кенг қўллана-ётган уч ўлчамли тасвир услуби тош асрида кашф этилганга ўхшайди. Испаниянинг машҳур Алтамира горидоғи сўнгги палеолит даврига оид суратлар-ни ўрганган олим-лар аксарият ҳай-вонлар тасвири ясси тош девор-ларда акс эттири-лиши тасодиқ эмаслигини аниқ-лашди. Ибтидоий давр одамлари бундай суратлар орқали уч ўлчамли тасвирга хос ҳаётий ҳақоний-ликка эришишни мақсад қилишган. Олимларнинг таъкидлашича, тош асри рассомлари уч ўлчамли тасвир яратиш учун қандай ранглар жилосидан фойдаланиш зарурлигини ҳам яхши билишган.



Мане ва Моне

Машҳур француз рассомлари — Эдуард Мане ҳамда Клод Монеи айрим санъат ихлосмандла-ри адаштириши сир эмас. Қизиғи шундаки, ҳар икки рассом бир даврда яшаб ижод қилишган. Бундан ташқари, уларнинг иккиси ҳам импрес-сионизм оқимининг ижодкорлари эди. Эдуард Мане импрессионизм асосчиларидан бири ҳисоблана, Клод Моне янги оқимнинг бадий имкониятларини ёрқин намоиш этган мусавир сифатида шухрат қозонган. Бу ижодий уйғунлик-ни рассомлар чизган асарларда ҳам кўриш мум-кин. Масалан, Маненинг машҳур "Ўтлоқдаги но-нушта" картинасида руҳланган Моне худди шу номдаги асарини яратган.

Стендал синдроми

1817 йили Флоренцияга саёҳат қилган фран-цуз адиби Стендал гаройиб ҳодисани бошдан кечириди. Шаҳарда қад ростлаган Уйғониш дав-ри дурдоналаридан бири — Муқаддас Хоч черковини зиёрат қилиш вақтида машҳур ёзувчи кучли ҳаяжон ҳис этади ва ҳушини йўқо-тишига бир баҳа қола-ди. Кейинчалик Италия санъатида бағишланган китоблардан бирида бу воқеани хотирлар экан, ёзувчи мемурий

обиданинг салобати ва улуғворлиги вужудида бошқариб бўлмас ҳиссиётлар уйғотганини қайд этади. Бу воқеани тадқиқ этган шифокорлар эса янги руҳий касаллик турини аниқлашади. Унга кўра машҳур санъат асарларини томоша қилиш вақтида айрим одамларда кучли ҳаяжон уйғо-ниб, талвасага тушиб қолишади. Шифокорлар-нинг таъкидлашича, Стендал синдроми деб аталган ушбу касалликка чалинганларда ҳатто санъат асарига зарар етказиш истаги ҳам туғилиши мумкин.

Кабуки театри

Шарқ санъати мухлисларига маълумки, япон-ларнинг машҳур анъанавий театри — кабукида барча роллар эркак актёрлар томонидан ижро этилиши асосий шартлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли узоқ вақт давомида кабуки — эркак-лар санъати сифатида қабул қилинган. Бироқ маълумотларга қараганда, бу санъат турига ас-лида аёллар асос солишган экан. XVII асрда Оку-ни исмли ибодатхона хизматчиси саҳналаштир-ган дастлабки кабуки томошаларида барча рол-ларни аёллар ижро этишад. Кейинчалик кабуки театрида рол ўйнаш учун фақат эркакларга рух-сат берилган. Бу қоидага бир неча асрлар даво-мида риоя қилиб келинганига қарамай, ҳозирги кунда кабуки театрида эркаклар билан бир қатор-да аёллар ҳам рол ижро этиши мумкин.

Пакассонинг "Туш"и нега сотилмади?

2006 йили америкалик ишбилармон Стив Уинн шахсий кол-лекциясида сакланаётган Пабло Пикас-сонинг машҳ-ур "Туш" кар-тинасини бир юз ўттиз тўққиз миллион дол-ларга сотишга ро-зилик берган. Сотув амалга ошса, "Туш" санъат тарихидаги энг қиммат картина сифатида рекорд ўрнатиши лозим эди. Бироқ матбуот анжуманларидан бирида С.Уинн тасодиқан картинани тирсаги билан туртиб юбо-ради ва натижада қимматбаҳо асарга жиддий зарар етди. Тазмиричлар картинанинг асл қирини-шини тиклашга эришган бўлишса-да, юқоридаги воқеада ўзига хос рамзий ишора мавжудлигига ишонган иримчи ишбилармон Пикасо "Туш"ини сотиш фикридан қайтган.



Дилшоода АВВАЛБЕКОВА

ХИТОЙДА ЮРТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

Ҳар бир миллат ўз удумлари, бетакрор урф-одат ва қадриятларига эга. Уни фотосуратларда акс эттириш эса ижодкордан ўзига хос зйираклики, катта меҳнат ва тинимсиз изланишини талаб этади. 1998 йилдан буён ЮНЕСКО ва Хитой фолклор фотосуратчилар уюшмаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган халқаро танлов ана шундай иқтидорга эга кўплаб фоторассомларни кашф этмоқда.

Бу йилги танловда Корея, Хиндистон, Бангладеш, Эрон, Туркия, Испания каби бир юз ўттиздан ортиқ дав-

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

латдан етмиш мингга яқин фотосуратчилар ўз юртининг қадимий байрамлари ва удумлари, кундалик турмуш тар-зи, диққатга сазовор жойлари, гўзал шаҳарлари акс эт-ган асарлари билан иштирок этди. Халқаро танловда ўзбекистонлик моҳир фоторассом Владимир Жирнов ҳам қатнашиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Муаллифнинг манзара ва портрет жанридаги суратла-рида она юртимизнинг гўзал масканлари, ўзбек аёлла-рининг миллий либослари ва безаклари акс этган бўлиб, ижодкорнинг нозик диди ва юксак маҳоратидан дарак беради.

Яқинда пойтахтимиздаги Фото уйида ўзбек фотосу-ратчилари ижодий учрашувида иштирок этган В.Жи-рнов халқаро танлов борасидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Назокат АХМЕДОВА

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида

Қашқадарё вилоятида ушбу заминда туғилиб, вояга етган ҳассос ижодкор, Ўзбекистон халқ та-валлудининг 80 йиллигига ба-ғишлаб, "Яшаётган сатрлар" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда "Шарқ юлдузи" журна-лининг бўлим мудири, таниқ-

Қарши Давлат университети маданият саройида бўлиб ўтган тадбир эса ўзига хос "Адабиёт байрами"га айланди.

Кечани университет ректо-ри, профессор Лутфулла Ёзиев очди. Филология фан-лари доктори, адабиётшунос олим Дамин Тўраев "Яшаёт-ган сатрлар" мавзусида шоир

“ЯШАЁТГАН САТРЛАР” САДОСИ...

ли шоир Икром Отамурод, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган маданият ходими, драма-тург Эркин Хушвақтов, ёзув-чи ва публицист Ҳаким Сат-торий, шоир Азиз Саид, олим ва ношир Наримон Ҳотамов ва бошқалар сўзга чиқишиб халқ шоири Нормурод Нар-зуллаевнинг ҳаёти ва ижоди, ундан қолган адабий мерос ва ёрқин хотиротлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билди-ришди.

Кеча сўнггида воҳа санъаткор-лари шоир қаламига мансуб қўшиқлардан ижро этишди.

Ахборот хизмати.

ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди. Таниқ-ли шоирлар, ёш қаламкашлар иштирокида мушоира қизи-қарли ўтди.

Шоир таваллудининг 80 йил-лиги муносабати билан С.Наса-фий номидаги вилоят кутубхона-си ҳамда университет "Ахборот-ресурс" марказида ташкил этил-ган кўргазма орқали эса ижод их-лосмандлари Нормурод Нарзуллаевнинг ҳаёти ва ижод йўли билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

“БИР ЁН”МИ ЁКИ “БИРЁН”?..

Қўқон адабий муҳитининг йирик вакили Зиёвуддин Каттаҳўжа ўғли Ҳазинийнинг машҳур "Тонг отгунча" газали ёзилганидан бери таниқли ҳофизлар томонидан ижро этиб келинади. Қўшиқнинг биринчи ижро-чилари муаллифнинг юртдошлари — фарғоналиклар бўлган. Бизнинг давримизда унинг мукамал иж-росини марҳум санъаткор — Ўзбе-кистон халқ артисти Таваккал Қодиров амалга оширган. Кейинчалик бошқа хонан-далар ҳам бу ашула ихросида ўз салоҳият-ларини синаб кўридилар. Бир пайтлар шу ашула таркибидаги "гўша"нинг баъзи хонан-далар томонидан "кўча" дейилиши нотўғри экани ҳақида устоз-олим Улугбек Долломов ёзганди. Бу сўзни Таваккал Қодиров ҳам "кўча" деб айтган. Таъкидлаш жоизки, газал-

ни табдил қилган ноширлар ҳар икки муқо-билини қўллаганлар. Боз устига эски ёзувда "к" билан "г" бир хил кўринишга эга. "Гоф"нинг устига чиқишга қўймайдиган хат-тотлар кўп бўлган. Шу жиҳатдан қараганда "гўша"ни "кўча" дейиш жузъий кам-чилик, катта нуқсон эмас. Яъни ҳар икки тушунчанинг объекти бир хил — ер. Гўша бурчак, панарок жой, манзил ва гоҳо макон маъносини билдира-ди.

"Тонг отгунча" ашуласини таниқли хонан-да Г.Мамазитова ихросида тинглаш ма-роқли. Аммо хонанда ашула матнидаги "бирён" сўзини мутлақо идрок қилмади. Ижрочи бу сўзни — жой, бир чекка деб ту-шунади, бу эса мумтоз ғазалнинг умумий ғояси ва бадий нозокатиға тамомила зид-

дир. У "бирёна" деб айтётганида ашула сеҳридан завқланиб, қўли ва кўз қири бил-лан саҳна чеккасига ишора қилади, яъни "бир ён" тарзида тушунади.

Мумтоз адабиётда "бирён" — қуйган, қорайган, ўртаниб эзилган, мажруҳ бўлган каби маъноларни билдирадиги, айна сўз ифодаси айрилиқ азобиға гирифтор бўлган ошқининг маънавий-руҳий ва жис-моний қиёфасини тўла намоён этади. Шундай экан, уни "бир чекка" деб тушу-ниш мутлақо ҳатодир.

Алқисса, мумтоз ғазал асосидаги ашула ижрочилари бирор ғазални маком оханги-да қуйлашдан олдин унинг маъно қиррала-рини пухта ўргансалар, бунинг учун мумтоз адабий асарлар лугатидан фойдалансалар, ёмон бўлмас эди.

Абдурахмон ПИРИМУЛОВ, филология фанлари номзоиди

ОСИЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ҲАҚАМИ

“Эрматов нисбатан ёш ҳакам бўлса-да, у тезкорлиги ва кучли жисмоний тайёргарликка эга эканлиги билан ажралиб туради. “Эрматов майлонни яхши кўра олади. Худди шахматчи каби майдонда футболчилар ҳаракатига монанд кўчиб юради ва ҳамиша керак жойда пайдо бўлади.” “Мен бу йигит билан учрашганман. Батмани йигит. Инглиз тилида бемалол ҳеч тугилмай таълашади. Биз мақсадга эришмоқчи бўлсак, Европада ҳам Ўзбекистонлик Эрматов каби ҳакамларни тарбиялашимиз керак.”

Хорижлик машҳур футбол мутахассислари ва ҳакамларининг ҳамюртимиз ҳақидаги ана шундай илқ фикрларини “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Равшан Эрматов — энг кучли ФИФА рефериси” очерклар тўпламида ўқишингиз мумкин.

Футбол бўйича Бразилияда бўлиб ўтаётган йигирманчи жаҳон чемпионати айни кизгин паллага кирганда чоп этилган ушбу китоб етти бўлимдан иборат бўлиб, ундаги қизиқарли маълумотлар футбол ишқибозлари учун айни муддао бўлгани шубҳасиз. Ахир шу кунларда ҳамюртларимиз қизиқиб томоҳида қўлаётган чемпионатда Ўзбекистонликларни бевосита боғлаб турадиган ҳижат — унда ФИФА рефериси ҳамюртимиз Равшан Эрматов иштирок этмоқда. Эрматов бундан тўрт йил муқаддам Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон биринчилигида бешта учрашувни бошқариб жаҳон биринчилигида кирган эди. Бу галги нуфузли мусобақада у тўртта ўйинда бош ҳакам сифатида майдонга тушишга улгурди. Жумладан чорак финал доирасидаги Голландия — Коста-Рика баҳси унинг учун мунозаралардаги тўққизинчи масъулиятли вазифа бўлиб, 36 ёшли Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов футбол бўйича жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — тўққизта ўйинни бошқарган ҳакам сифатида рекорд ўрнатди.

“Равшан Эрматов — энг кучли ФИФА рефериси” китобида биринчи халқаро мавқегаги ўзбек ҳакамнинг ана шундай ютуқларга эришиш сабаблари муаллифлар — Дилшод Исроилов ва Шоҳайдар Мирҳабиров томонидан батафсил очиб берилган. Бундан ташқари, китобдан Ўзбекистон футболининг бой тарихи билан боғлиқ маълумотлар, жаҳон футбол ва жаҳон чемпионатлари тарихи, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидаги иштироки, дунёдаги машҳур ҳакамлар, Ўзбекистон чемпионатларининг барча ғолиб ва совриндорлари, чемпионлари, сермахсул ўйинчилар ҳақидаги қизиқарли мақолаларга ҳам ўрин берилган. Айниқса, китобдаги Равшан Эрматовнинг болалиги, футболга қандай кириб келганига оид лавҳалар, унга бағишлаб ёзилган шеърлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Таниқли шоир Рустам Муоурмон ёзганидек:

“Равшан Эрматов — энг кучли ФИФА рефериси” китобида биринчи халқаро мавқегаги ўзбек ҳакамнинг ана шундай ютуқларга эришиш сабаблари муаллифлар — Дилшод Исроилов ва Шоҳайдар Мирҳабиров томонидан батафсил очиб берилган.

Бундан ташқари, китобдан Ўзбекистон футболининг бой тарихи билан боғлиқ маълумотлар, жаҳон футбол ва жаҳон чемпионатлари тарихи, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидаги иштироки, дунёдаги машҳур ҳакамлар, Ўзбекистон чемпионатларининг барча ғолиб ва совриндорлари, чемпионлари, сермахсул ўйинчилар ҳақидаги қизиқарли мақолаларга ҳам ўрин берилган. Айниқса, китобдаги Равшан Эрматовнинг болалиги, футболга қандай кириб келганига оид лавҳалар, унга бағишлаб ёзилган шеърлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Таниқли шоир Рустам Муоурмон ёзганидек:

ФИФА рефериси Равшан Эрматов,
Ҳазо тайинлайсиз, бундай ҳолатда.
Акс-сало берар юрагингизда
Амир Темур сўзи: “Куч — адолатла!”

Б.СУЛТОНОВА

“Шарқ халқлари адабиётидан таржималар”

Турли миллат ва элатлар ўртасидаги маданий ва маънавий алоқаларни янада мустаҳкамлашда бадий таржиманинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Шу маънода Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан тайёрланиб чоп этилган, бадий таржима назарияси ва амалиёти масалаларига бағишланган илмий мақолалар, тадқиқотлар тўплами — “Шарқ халқлари адабиётидан таржималар” кўлланимчи нафақат таржимашунослик соҳаси ходимлари, талабалар, балки жаҳон адабиёти намуналарини севиб ўқийдиган китобхонлар учун ҳам манзур ва фойдали нашр бўлди.



Ушбу китобни доцент Адхамбек Алимбеков ва Хайрулла Ҳамидов нашрга тайёрлаган. Доцент Жасур Зиямухамедов таҳрири остида чоп этилган тўпламда таржимонлар ҳақида маълумотлар ва уларнинг амалга оширган таржималаридан намуналар ўрин олган.

Таъкидлаш керакки, таржимашуносликка оид ўқув адабиётлари, дарслик ва қўлланмалар, илмий-методик мажмуалар, мақолалар таржима йўналишида таҳсил олаётган истеъдодли ёшлар билан таржимадеҳ сермахкақат ижодий ишга қизиқтириши тайин. Шу маънода мазкур қўлланма талабаларга

сабоқ беришда устозларга қўл келади. Қолаверса, моҳир таржимонлар ижодидан олинган ихчам намуналар ёшларга амалий восита бўлиб хизмат қилади.

Китобдан яхши дўст бўлмас

Хрестоматияда Раҳмонберди Мухаммадзонов, Амир Файзулло, Темур Мухторов сингари таржимонлар томонидан урду, пушту, дарий, хинд, араб, форс, хитой, турк ҳамда Марказий Осиё халқлари тилларидан амалга оширилган таржималар ўрин олган. Шунингдек, қўлланмадан Эргаш Очиловнинг форс тилидан ўгир-

ган Саъдий Шерозий хикматларини, Темур Мухторовнинг араб тилидан таржима қилган Нажиб Махфузининг “Қалампис” асарини, Улуғбек Ҳамдам таржимасида турк тилидан ағдарилган Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асаридан олинган парчаи ўқийсиз ва бу асар-

лар ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинганига гувоҳ бўласиз.

Бу китоб таржима назарияси ва амалиёти йўналишида таълим олаётган талабалар, соҳа мутахассислари, шу билан бир қаторда, жаҳон адабиёти ихлосмандлари китоб жавонидан муносиб ўрин эгаллайти, деган фикрдамыз.

“Шарқ таржимашунослиги...”

Ахборот алмашинуви кенгайган, глобаллашув жараёни ҳаётимизга шиддат билан кириб бораётган бугунги кунда маънавий қадриятларни эъзозлаш ва келгуси авлодларга етказиш, шунингдек, бу орқали халқаро маданий алоқаларни кучайтириш алоҳида эътиборни талаб этмоқда. Шу сабабли ҳам ҳозирда таржимонларга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда, айниқса, миллиятнинг бадий тафаккур ойнаси бўлиши адабиётни хорижий тилларга таржима қилишга қаратилган ишларни кенг микёсда амалга ошириш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги кун ва келажак” деб номланган илмий мақолалар тўплами чоп этилди. Филология фанлари доктори А.Маннонов масъул муҳаррирлиги, филология фанлари номзоди, доцент Ж.Зиямухамедов, тар-

жима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири Х.Ҳамидов таҳрири остида нашрга тайёрланган тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлиб ўтган Шарқ таржимашунослигининг бой тарихи, бугунги кунда эришаётган ютуқлари ва долзарб муаммоларига бағишланган республика олий таълим муассасалари илмий-амалий конференцияси материалларини ўз ичига олган.

Ўттиз нафардан зиёд олим ва тадқиқотчининг илмий изланишлари жамланган китобда таржима танқиди, форс, хитой, немис, рус тилларидан таржима қилишнинг сўз, тил ва қадриятлар, урф-одатлар билан боғлиқ кўплаб муаммолари ёритилган. Жумладан, М.Қодировнинг “Ўрта асрларда мусулмон дунёсида таржимачилик фаолиятининг баъзи жиҳатлари тўғрисида”, А.Каримовнинг “Қадимги

Хитой шеърияти намуналарини таржима қилиш хусусияти”, Ш.Имминованин “Бадий асарларни ўзбек тилидан немис тилига бевосита таржима тарихидан” сингари тадқиқотларида таржимашуносликнинг бугунги кундаги долзарб масалалари ҳамда таржима назарияси, амалиёти ва тарихига доир мавзулар ёритиб берилган.

“Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги кун ва келажак” тўпламидаги илмий мақолалар бадий алоқаларни ўрганиш, адабиётимизнинг янги саҳифаларини кашф қилиш ҳамда келажакдаги ҳамкорлик режаларини тузиш имкониятини яратди, илмий муомалага киритилмаган муаммолар мавзуларини аниқлаб, янги тадқиқотлар учун тавсиялар ишлаб чиқишда қўл келади.

Азизахон ИЛЁХОНОВА
ЎЗМУ журналистика факультети
талабаси

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлхатлар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4886 Буюртма Г — 758. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТЎВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X



Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ
ҲАЁТИДАНЖеймснн Ёзувчиға
аёлантирган муҳаббат

Саргузашт адабиёти классиги сифатида машҳур Жеймс Фенимор Купер (1789—1851) американинг таниқли сиёсий арбоби, конгрессмен ва йирик мулкдор Уильям Купер оиласида дунёга келган. У маҳаллий мактабдан сўнг Йел университетига ўқишга кириди. Бироқ илк босқичдаёқ савдо кема-сига матросликка ўтиб кетади. Сўнг ҳарбий флотга кириб, денгиз ва уммонларни кезиб чиқади. Сюзен Августига уйланган, унинг талаби билан 22 ёшида истеъфого чиқади. Адабиёт тарихчилари ёзишча, Купернинг илк романига қадар китоб у ёқда турсин, ҳатто хат ёзишга ҳам тоқати бўлмаган. Бироқ ҳарбий флотдаги хизмат айтган сўзига қатъий амал қилиш ҳиссини шакллантирган: кунларнинг бирида бемор рафиқасига қандайдир романини ўқиб бераётиб, “Мен бундан ҳам яхшироқ ёзишим мумкин эди”, дейди. Сюзен хонимга ўттиз ёшли эрининг бу гапи ғалати ва мароқли туюлиб, уни айтган сўзига қатъий туришга ундайди. Купер бир неча ҳафта ичида “Эхтиёткорлик” деган романини ёзиб битади.

Америка романчилигини бошлаб берган тарихий мавзудаги “Жосус” асари адибга АҚШ ва Европада катта шuhrат келтирган. У қаҳрамонлари талқинида идеал даражадаги эркак образини гавдалантириб, ўқувчиларни ёвузликка қарши мурасасиз курашга чақиради. Купер жаҳон бадий романчилигида жанрлар хилма-хиллигига асос солган адибдир. “Кемачи”, “Денгиз шерлари”, “Майлс Уоллингфорд”, “Америкаликлар тушунчаси”, “Кратердаги колония” — шундай романлар саналади. У асарлари ор-номус, мардлик ва олийҳимматлики тарбияловчи китоблар бўлиб қолишига ишонган. Купернинг романларини ўқиб Балзак бениҳоя мамнун бўлган, Теккерей Вальтер Скоттдан ҳам юқори қўйган, Пушкин бой поэтик мушоҳадасини эътироф этган, Лермонтов ва Белинскийлар эса адибни Гомер билан бир сафта қўйган.

“Капитан Майн Рид”

Ирланд руҳоний оиласида туғилган Томас Майн Рид (1818 - 1883) Бельфаст коллежида антик тиллар, нотиклик ва математикани чуқур ўзлаштирган. 22 ёшида саёхатга ишқибоз бўлиб Америкага йўл олади. Бир оз вақт ўқитувчи, актёр ва репортёр бўлиб ишлаб, Мексика урушида «Спирит оф тайм» газетаси муҳбири сифатида қатнашади. Жангалда оёғидан оғир яраланган Майн Рид истеъфодаги капитан рутбасида Лондонга қайтиб, ўзини адабиётга бағишлайди. Орадан икки йил ўтиб нашр этган “Эркин ўқилар” романида Мексика уруши, улғу саҳро ва дарёлар, ясси тоғлар бўйлаб қилган сафарлари қаламга олинган. Бирин-кетин ёзилган “Оцеола — семиноллар доҳийси”, “Босиш чавандоз”, “Оқ саркарда”, “Денгиз бўриси”, “Уруш сўқмоқлари”, “Ҳалокат хабари” каби қисса ва романлари ҳам адибга катта shuhrat келтирди.

Майн Рид ўттиз уч ёшида қаҳрамонлари каби йўл тутиб, ўн беш ёшли зодагон қизга уйланади. Романтик экзотикага мойил ёш адибнинг иқтисод масалаларидаги уквусизлиги эса йиллар ўтиб ўни байқотлик ёқасига олиб келади ва у яна ёшлик йиллари ўтган Америка саёхатини тусаб қолади. 1860-йилларда жанубий ва шимолий штатлар орасида бўлаётган фуқаролар урушида ирқий камситишларни қатъий қоралаб чиқади. Уч йилдан сўнг Англияга қайтиб болалар учун илмий-оммабоп китоблар ёза бошлайди.

Асарларидаги инсонпарварлик, адолат йўлида курашувчиларга ҳамдардлик, соҳбат яратиш маҳорати Майн Ридни энг машҳур адиблардан бирига айлантирди. У Америка ҳиндуларининг фожавий тақдири ҳақида илк бор бонг урган буюк санъаткор Ф. Купер ҳамда кўплаб денгиз романилари муаллифи капитан Марриетта ананаларини давом эттирди. Шу сабабли ҳам Майн Рид XIX аср инглиз саргузашт адабиётида энг ёрқин ва алоҳида мавқега эга адиб сифатида эътироф этилади. Ўзини “капитан Майн Рид” деб аташларини хуш кўрган ёзувчи Даниел Дефо, Фенимор Купер ва Жюль Верн каби шавкатли адиблар сафидан бекхёс ўрин олди.

Оила романилари устаси

Француз психологик насрининг эътироф этилган намояндаси Жан Пьер Эрве Базен (1911-1996) машҳур юристар, ҳарбийлар, олим ва руҳонийлар оиласида камол топган. Отаси католик университетини профессори бўлиб, оила жиловчи анча қаттиққўл онаси қўлида бўлган. Жан Пьер мактабдан сўнг уларнинг хоҳиши билан ҳуқуқшунослик бўйича ўқишга кириди. Бироқ тез орада уни ташлаб қариндошларидан бирининг фабрикасида ишлаб бошлади. Ўз доирасидан бўлмаган қизга уйланиши эса оиласи билан алоқаси узилишига сабаб бўлади ва 1933 йили Париждаги Сорбонна университетига филология бўйича ўқишга кириди.

Бўлажак ёзувчи бу ерда жуда ночор ҳаёт кечириб, кўп касбларнинг бошини тутди, шеърлар ёзиб, мақолалар чоп эттирди. 1947 йили “Кун” деб номланган илк шеърлар тўплами чоп этилган, Гийом Аполлинер номдаги нуфузли мукофотга сазовор бўлади. Орадан бир йил ўтиб эълон қилинган “Мушт ичидаги илон” романи катта шов-шувга сабаб бўлади. Асар кейинчалик “Резо оиласи” номли трилогияга (“Отинг ўлими” (1950), “Бойкуш қичқириги” (1972) билан бирга) ҳам киритилган.

Ёш ўсирининг ҳаёти ҳикоя қилинган сюжетларга кўпроқ адибнинг таржимойи ҳолига доир воқеалар асос бўлгани боис, айрим ёзувчи ва танқидчилар уни ўз онаси образини яратганликда айблашади. “Эр-хотин турмуши” романи ўрта ҳол француз оиласи тавшишлари, истеъмоличилик психологияси ҳақида баҳс этса, “Мадам Экс” романида бу жиҳат ижтимоий муаммолар кўламида давом эттирилган. Базен асарларида оила мавзуси етакчи маънавий муаммо сифатида талқин этилган учун аёллар уларда ўз қиёфаларини кўзгуда акс этгандек аниқ кўриб, ёзувчи нуктаи назарига ҳайрихоҳлик билдиришса, эркаклар ҳам адибнинг ҳаққоний баҳоларидан бебаҳра қолишмаган. Адибнинг эссе ва новеллалари ҳам қизиқарли билан ўқилади. Эрве Базен 1960 йили Гонкурлар академияси аъзоси, 1973 йили эса унинг президенти этиб сайланган. Кўплаб халқаро мукофотлар лауреати бўлган.